O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 29-aprel, 2009-yil • №18 (622) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@mail.ru • www.uzhurriyat.uz

МУЛК СУД ХАТЛОВИГА АСОСАН СОТИЛГАНДИ

Тадбиркор биржа савдосида эски фабрика биносини қонуний сотиб олди. Уни таъмирлаб-қуриб, деҳқончасига айтганда харобани кошонага айлантирди. Ҳозир бу бино замонавий савдо растаси сифатида минг нафардан ортиқ хусусий тадбиркорларга иш ўрни сифатида хизмат қилмоқда.

⇨ 2-бет

УСТОЗ БАХТИ

Ҳар бир одам — бир олам. Муҳими, ҳар ким ҳаётда ўз ўрни, ўз йўли ва ўз мавқеини тўғри топа билишида. Маъруфжон ака Исроилов ҳам ўзининг ҳалол меҳнати, сабр-тоқати, мустаҳкам иродаси, шогирду издошларига нисбатан чексиз ҳурмати боис катта бахт, нурли тақдирга сазовор бўлди.

⇨ 3-бет

МОҲИР ТАРЖИМОН САБОҚЛАРИ

Китобда бир-биридан муҳим мавзулар алоҳида боблар ва бўлимларда муайян изчиллик ва тизимлилик билан ёритилади, мавзуларнинг кетма-кетлиги ва узвийлиги таъминланган бўлиб, бир мавзу иккинчисини мантиқан давом эттиради, тўлдиради ва такомиллаштиради.

⇨ 7-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 апрель куни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида бўлиб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари — Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчиларининг учрашувида иштирок этди.**

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 2009 йил 27 апрелда «Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

■ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 апрель куни Оқсаройда "Korean Air" авиакомпанияси раиси Чо Янг Хони қабул қилди.**
Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётганини, бунга Навоий шаҳри халқаро аэропорти негизида барпо этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зонада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар яна бир далил эканини таъкидлади.

■ 2009 йил 24 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.
Йиғилишни мамлакат Президенти, Миллий хавфсизлик кенгаши раиси Ислом Каримов бошқарди. Унда хавфсизликка нисбатан турли таҳдидлар ва хатарларга қарши курашни кучайтириш ва мамлакатимиз ҳамда минтақадаги барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида кўрилган қўшимча чора-тадбирлар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди ва улар юзасидан зарур қарорлар қабул қилинди.

■ **Саудиянинг "Ал-Жазира" газетасида "Жаҳон молиявий инқирози оқибатларини бартараф қилиш бўйича Ўзбекистоннинг "йўл харитаси" сарлавҳали мақола эълон қилинди. Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби, шунингдек, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2008 йил якунларига оид маълумотларнинг таҳлили асосида тайёрланган.**
"Ал-Жазира" газетаси кунига 75 минг нусхада босилиб, Саудия Арабистони подшоҳлигининг барча ҳудудларида, шунингдек, Форс кўрфази мамлакатлари, Миср ва Иорданияда кенг тарқатилади.

СУРАТДА: бўлажак журналистлар — ЎзМУ журналистика факультетининг талабалари.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

МУЛОҲАЗА

МАҲОРАТ КУНДА КЕРАК

Ахборот маконининг кенгайиб бораётгани, босма нашрлар сонининг кундан-кунга кўпаяётгани, газеталар ўртасида ўзаро рақобатнинг пайдо бўлиши республикамиз журналистларининг олдига катта вазифаларни қўймоқда.

Бугуннинг ўқувчилари журналистлардан қисқа, аниқ факт, далил, маълумотларга бой, қизиқарли ва таҳлилий мақолаларни кутади.

Айтиш керакки, муштарийлар республикамизда нашр этилаётган айрим газеталарнинг икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаши, уларда босиб чиқарилаётган мақолаларнинг ўқимишли эмаслиги, мазмуни саёзлиги, таҳлилга муҳтожлиги ҳақида бекорга эътирозли фикрларини билдиришмайди. Шундай экан, давр бугунги кун журналистларидан бор маҳоратларини ишга солган ҳолда фаолроқ бўлиб, ҳаётга тийранроқ назар ташлашни талаб этаяпти. Шунингдек, аллақачон кундалик эҳтиёжимизга айланишга улгурган хоҳ у газета, хоҳ радиоэшиттириш ёхуд телекўрсатув бўлсин, уларда иборали қилиб айтганда, журналистика қалб қўри, юрак қийноқлари ва юксак маҳорат сезилиб туриши лозим.

Табиийки, маҳорат ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Маҳоратни ошириш учун ҳар бир ижодкордан кучли ирода, салоҳият, меҳнат, ўқиш, тинимсиз изланиш, ўз устида ишлаш, қолаверса, танлаган касбининг фидойиси бўлиш талаб этилади. Зеро, каттадир кичикдир — ҳар бир ютуқнинг замирида меҳнат ётади. Бу меҳнатни эса қадрлаш лозим.

Алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдимки, бирор-бир мақола ёзиб, уни матбуотда босиб чиқариш баъзилар ўйлаганидек, осон иш эмас. Биринчидан, ҳақиқий ижодкорнинг оқ қоғозга туширган ҳар бир сўзи юрагининг туб-тубидан чиқади. Қолаверса, мустақил давлатимизнинг ОАВлари меъёрий-ҳуқуқий асосларга эга бўлганидан кейин, журналист мақоласида келтирган ҳар бир факт, далил учун қонун олдида масъул.

(Давоми 4-бетда.)

КЎЗГУ

ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР ЯҚИН

Маълумки, Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида аниқроғи, жорий йилнинг 1 май куни пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида журналистика соҳасида «Олтин қалам» IV Миллий мукофоти учун ўтказилган халқаро танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтади.

Танловда нафақат мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари ходимлари, балки хорижлик журналистларнинг ҳам иштирок этаётгани, унинг нуфузи баландлигидан далолат беради.

— Бу йилги танловда 365 нафар муаллиф 5 мингдан зиёд ижодий ишлари билан қатнашди, — дейди «Олтин қалам» Миллий мукофоти ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов. — Мазкур халқаро танлов асосан 4 та асосий номинация:

- телевидение
- радио
- даврий матбуот
- интернет-журналистикаси

йўналишларида ўтказилди. Тақдим этилган ижодий ишлар нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан атрофлича ўрганилди. 1 май куни 1 та бош, 12 та асосий ва 14 та рағбатлантирувчи мукофотлар танловнинг бу йилги ғолиблар ва совриндорларига тантанали суръатда топширилади. Тақдирлаш маросимида БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан ҳам таъсис этилган қатор рағбатлантирувчи мукофотлари берилади. Бу йилги «Олтин қалам» IV Миллий мукофоти аввалгиларидан фарқ қилувчи жиҳатлари билан журналистлар қалбида ўчмас из қолдиришига ишонаман.

Яна шуниси диққатга сазоворки, ушбу халқаро танлов тантанаси Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид шеъри, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Анор Назаров мусиқаси билан яратилган «Олтин қалам» манзумаси билан бошланади. Бу дилрабо манзума келгусида ҳам танловнинг чорлов қўшиғига айланиб қолишига шубҳа йўқ. Бундан ташқари, шукуҳли кечада республикамизнинг таниқли санъат усталари ва ўзбек миллий эстрадасининг ёрқин юлдузлари иштирокидаги катта концерт дастурининг намойиш этилиши кутилмоқда.

Ўйлаймизки, ушбу танлов юртимиз ижод аҳлига ҳаяжонли лаҳзаларни ҳадя этади.

Қуйида эса муштарийларимиз эътиборига «ОЛТИН ҚАЛАМ» манзумасини ҳавола этмоқдамиз.

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

"ОЛТИН ҚАЛАМ" МАНЗУМАСИ

Ҳаёт мангу этар давом,
Сўнмагай ҳеч меҳру карам.
Ёруғликка шиор бўлгил,
"Олтин қалам", "Олтин қалам".

Халқу Ватан, халқу Ватан,
Олтин даштим, олтин далам.
Сен элга дастёр бўлгил,
"Олтин қалам", "Олтин қалам".

Тошқин солсин ҳар бир сухан,
Мисли ёмғир, селу жалам.
Дилларга навбаҳор бўлгил,
"Олтин қалам", "Олтин қалам".

Ватан — дуогўйим онам,
Ватан — бешикдаги болам,
Номус бўлгил, сен ор бўлгил,
"Олтин қалам", "Олтин қалам".

Гоҳи титраб кетар дунё,
Гоҳи қалқиб турар олам,
Сен огоҳ бўл, ҳушёр бўлгил,
"Олтин қалам", "Олтин қалам".

Рўйи замин, рўйи замин,
Унсин доим гулу лолам.
Эзгуликка сен ёр бўлгил,
"Олтин қалам", "Олтин қалам".

Она юртим, она юртим,
Олтин қуёш, олтин далам.
Сен нурли ифтихор бўлгил,
"Олтин қалам", "Олтин қалам".

МУНОСАБАТ

ПРОКУРАТУРА ХОЛИС ТАНҚИД ТАРАФДОРИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати раҳбари, адлия катта маслаҳатчиси Светлана ОРТИҚОВА билан суҳбат

Ўтган йил давомида прокуратура органлари томонидан республика марказий матбуотида чоп этилган юзга яқин танқидий мақолалар ўрганиб чиқилди. Демак, сарҳисоб қилмоққа асослар етарли. Қолаверса, бугунги матбуот кечагидан тубдан фарқ қилади, — дея гап бошлади ҳамсуҳбатимиз. — Нафақат шакл жиҳатидан, балки мазмун борасида ҳам ўзгариш катта. Бу, албатта, Бош Қомусимизда белгилаб қўйилган сўз эркинлиги, шунингдек, оммавий ахборот воситаларига берилаётган катта эътиборнинг ҳосиласидир. Шунинг баробарида ҳар қандай эркинлик замирида шунга яраша масъулият ётиши ҳам изоҳ талаб қилинмайдиган тамойилдир. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) риоя этиши шарт бўлган энг бирламчи жиҳат — холислик ва инсон шаъни, қадр-қимматига ҳурмат билан ёндашиш экани эса бор гап. Бунга нечоғли риоя этилаётгани матбуотда чоп этилаётган танқидий мақолаларда яққол намоён бўлмоқда. Бу борада ҳам ижобий фикр билдириш мумкин. Кейинги пайтларда чоп этилаётган танқидий мақолаларнинг сифат жиҳатидан кўпайгани эътирофга лойиқ. Буни қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди: ўтган бир йил давомида прокуратура органлари томонидан марказий нашрларда чоп этилган мақолаларга асосан бевосита қонун бузилишларига оид 96 та жиноят, 6 та маъмурий, 10 га яқин интизомий ишлар қўзғатилди. Бундан ташқари, қонунга зид равишда чиқарилган ҳужжатларга нисбатан олтита протест, саккизта тақдимнома киритилди. Чоп этилган танқидларни шартли равишда уч тоифага бўлиш мумкин:

— тасдиғини топган;
— тасдиғини қисман топган;
— тасдиғини топмаган мақолалар.

Тўла ва қисман тасдиғини топган танқидларни қўшган тақдирда ҳам тасдиғини топмаган мақолалар миқдори ҳам ҳарқалай кам эмас.

4 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

Элчи фаолиятини давом эттиради



Исроилнинг Швейцариядаги элчиси Илан Илгар кеча яна ўз вазифасини бажаришга киришди. У шу йилнинг 20 апрель куни маслаҳат учун Исроил ташқи ишлар вазирлиги буйруғига биноан ватанига чақириб олинганди.

Маълумки, шу йилнинг 20 апрель куни Швейцарияда БМТ ташаббуси билан ирқчиликка қарши халқаро конференция ўтказилган ва унда Эрон президенти Аҳмад Нежад иштирок этганди. Эрон раҳбари конференцияда сўзга чиқиб, Исроилнинг Ғазо секторидаги сиёсатини геноцид деб атади. Бундан ташқари Швейцария президенти Аҳмад Нежадни расман қабул қилди. Бу Исроил томонида норозилик уйғотди. Шунинг учун элчи чақириб олинган эди.

Швейцария томони Исроилнинг бу ҳаракатини ноҳақлик деб баҳолади.

(Дунё сиёсатига оид хабарларнинг давоми бешинчи саҳифада)

5 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

АХБОРОТ

Вазифалар белгилаб олинди

Яқинда Адлия вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Адлия вазири Р.Муҳитдинов бошқарган мазкур мажлисда Адлия вазирлиги ва унинг қуйи тизими органларининг жорий йилнинг дастлабки чорагида амалга оширган ишлари сарҳисоб қилиниб, биринчи ярим йилликни муваффақиятли якунлаш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Ўтган биринчи чоракда қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган 262 та қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг 24 таси бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги ва амалдаги қонун нормаларига зид экани аниқланиб, улар давлат реестридан чиқарилгани, 98 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат ҳисобига олиниб, 538 тасига эса тегишли ўзгартиришлар киритилгани ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид жами 6 минг 300 дан ортиқ мурожаатлар кўриб чиқилгани таъкидланди.

Йиғилиш якунида ноқонуний текшириш ва аралашишларнинг олдини олиш бўйича кескин чоралар кўриш, жойлардаги нотариат, ФХДЁ идораларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни янада кучайтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида белгиланган топшириқларни бажариш юзасидан кўрсатмалар берилди ва муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Адлия вазирлиги ахборот хизмати

МУЖДА

Яна бир эътироф

Москвада ўтган XI Халқаро детектив фильмлар ва ҳуқуқий мавзудаги теледастурлар фестивали — "ДетективФЕСТ" якунларига кўра унда қатнашган ва тақдирланган "Ўзбеккино" Миллий агентлиги асарлари "18-квадрат" (режиссёр Жаҳонгир Қосимов) ва "Ҳақиқий эркаклар ови" (режиссёр Жасур Исҳоқов) фильмлари совринларга муносиб кўрилди.

Режиссёр Ж.Қосимов фестивалнинг детектив фильмлар секциясида энг яхши ҳарбий детектив номинацияси бўйича мукофот ва дипломга сазовор бўлди.

Режиссёр Ж.Исҳоқов эса саргузашт детектив номинацияси бўйича махсус мукофот билан тақдирланди.

Пойтахтимиздаги "Киночилар уйи"да совриндорларни тақдирлаш ва шу муносабат билан фильмлар ижодкорлари билан учрашув ташкил қилинди. Унда ОАВ ходимлари, киношунослар ва санъаткорлар иштирок этди. Қизғин савол-жавоб ва ижодий кайфиятда ўтган анжуманда кино асарларнинг яратилиши, уларнинг эътироф этилишига омил бўлган хусусиятлари, шунингдек, миллий киномизнинг долзарб муаммолари ҳақида сўз юритилди. Ўзбек киносининг бу муваффақияти бундан кейин ҳам етук асарлар яратилишига ишончни кучайтиради.

А.МАВЛОНОВ

ЖАРАЁН

Қонун ҳужжатларининг назорати

Юртимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилаш давлат ҳокимияти органларида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мавжуд бўлишини ҳамда улар асосида ишлашни лозим даражада олиб боришни талаб этади.

Умуман олганда, қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритишнинг асосий мақсади норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солиш, уларни бир тизимга келтириш, фойдаланиш учун қулай қилиб жойлаштиришдан иборат ва мазкур ишлар қонунчиликка қатъий риоя қилинишини таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир. Амалиётда қонунларни тўғри қўллаш, янгиларини яратиш ёки мавжуд қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда уларни туркумлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисоби юритилмаслиги, уларнинг амалиётда нотўғри қўлланиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилишига олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидаларини белгилаш ва уларга риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 14 июнда "Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш қоидалари" ишлаб чиқилиб, давлат рўйхатига олинган. Мазкур қоиданинг асосий мақсади давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларини мужассамлаштириш, келиб тушган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг классификатори асосида код бериш, уларни махсус журналда ҳисобга олиш, қабул қилинаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиб бориш ҳамда уларнинг назорат нусхаларини юритишдан иборат.

Қонун ҳужжатларининг назорат нусхаси бўлиб, шу ҳужжатга киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар, ҳужжатни тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги, ҳужжатнинг тўлиқ ёки қисман амал қилиш муддатини узайтириш ёхуд амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақидаги маълумотлар киритилган нусхаси ҳисобланади.

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг фақат расмий нашрларда эълон қилинган нусхалари назорат ҳолатида олиб борилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг махсус журналда ҳисобга олиниши ва уларга код бериш амалиётининг йўлга қўйилиши, муайян соҳада амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш имкониятини вужудга келтиради ва бу ўз навбатида давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида келиб чиқадиган турли муаммоларнинг олдини олишда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Наргиза АКБАЕВА,
Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи.

ДУНЁ БОЗОРИГА ЙЎЛ

Жорий йилнинг 20 апрель куни "Тошкент" халқаро аэропортига Жанубий Кореядан лизинг асосида олинган биринчи "А 300-600 F" юк самолёти келиб қўнди. "Навоий" аэропорти ихтиёрига бериладиган ушбу ҳаво кемаси 40 тоннагача юк кўтаради ва бирданига 7 минг километр масофани босиб ўтиш имкониятига эга. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси халқаро талабларга жавоб берадиган мазкур ҳаво кемасини харид қилиши билан дунёнинг барча товар бозорларига чиқиш имкониятига эга бўлди. Яқин кунларда ҳаво орқали юк ташиш бўйича жаҳонда етакчилардан ҳисобланган "Korean Air" авиакомпанияси билан тузилган шартномага биноан лизинг асосида яна битта "А 300-600 F" юк самолёти олиб келиниши кутилаяпти.

Шу муносабат билан куни кеча оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани уюштирилди. Унда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бош директори В.Тян қатнашди.

Иномжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЮРТИМИЗНИНГ ТАЪЛИМ ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг тотув ва ҳамжиҳатликда яшаши ҳамда ёшларимизнинг таълим-тарбия олишларига барча шарт-шароитлар яратилган.

Яқинда миллий озчиликни ташкил этувчиларни ўқитиш масаласини Ўзбекистон тажрибасида кўриб чиқиш, уни оммалаштириш мақсадида Самарқанд шаҳрида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти билан биргаликда минтақавий анжуман ўтказилди. Тадбирда иштирок этган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг кам сонли миллатлар бўйича олий комиссари жаноб Кнут Воллебек ҳамда Қозоғистон, Туркманистон республикалари таълим вазирлари ўринбосарлари ва ушбу тадбирда қатнашган бошқа иштирокчилар ўз таассуротларини ўртоқлашдилар.

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Hurriyat" мухбири.

"ТОШКЕНТ — ТАРИХ ВА ЗАМОН"

Яқинда Тошкент шарқшунослик институти қошидаги Собир Раҳимов номидаги Шарқ тиллари академик лицейида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан "Тошкент — тарих ва замон" деб номланган кўрик танлов ташкиллаштирилди. Кўрик-танловда академик лицей талабалари томонидан тайёрланган Тошкентнинг қадимги дарвозалари лойиҳалари ҳамда шаҳар ривожланишига ҳисса қўша оладиган бизнес лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Голиблар эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Тадбир якунида академик лицей талабалари томонидан тайёрланган бадиий чиқишлар иштирокчилар кўнглига завқ-шавқ улашди.

Элбек ЖУМАНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ШОИР ХОТИРАСИ

Бу йил атоқли ўзбек шоири, тарихчи, таржимон Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллуд топганига 200 йил тўлади. Шу муносабат билан Хоразмнинг барча шаҳару қишлоқларида турли тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Яқинда Урганч шаҳрида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан улуғ шоир юбилейига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда сўзга чиққан таниқли шоирлар — Эркин Самандар, Эркин Мадраҳимов, филология фанлари доктори, Урганч давлат университети ўқитувчиси Ҳамдам Абдуллаев Огаҳий ижоди хусусида гапирдилар.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл туманида аҳоли бандлиги масаласига доимий эътиборда бўлиниб келинади. Яқинда тумандаги саноат-транспорт касб-ҳунар коллежида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 30 дан зиёд корхона, муассаса ва таълим даргоҳлари 90 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан қатнашди. Тадбир якунида 70 дан ортиқ фуқаро ўзи танлаган касб бўйича ишга жойлашди. Уларнинг аксарияти ёшлар экани қувонарлидир.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ФАРҒОНАДАН ХОРИЖГА

Яқинда "Фарғона" аэропортига Москванинг "Атлант-Союз" авиакомпаниясига қарашли "ТУ-154" самолёти келиб қўнди. "Фарғона" аэропорти раҳбариятининг маълум қилишича, мазкур хорижий авиакомпания билан ҳамкорликда йўловчилар учун бир қатор қулайликлар яратилди. Энди вилоят марказидан дунёнинг бир неча давлатларига, хусусан, Россия Федерациясига, АҚШ, Туркия ва бошқа хорижий мамлакатларга авиачиптали ҳам сотиб олиш мумкин. Май ойидан бошлаб эса Фарғонадан Новосибирск шаҳрига, ёз ойларидан бошлаб Краснодар ва Сочига тўғридан-тўғри авиарейслар амалга оширила бошланади.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири.

ҲУҚУҚ

Мулк суд хатловига асосан сотилганди

бироқ, фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди мазкур олди-сотди шартномасини бекор қилиш тўғрисида Ажрим чиқарди...

Тадбиркор биржа савдосида эски фабрика биносини қонуний сотиб олди. Уни таъмирлаб-қуриб, деҳқончасига айтганда харобани кошонага айлантирди. Ҳозир бу бино замонавий савдо растаси сифатида минг нафардан ортиқ хусусий тадбиркорларга иш ўрни сифатида хизмат қилмоқда. Бироқ, суд уни «аввалги ҳолига келтириб», илгари сотган шахсга қайтариб бериш тўғрисида Ажрим чиқарди...

Умрида жилла қурса кичикроқ товуқхона қурмаган одамга бунёдкорлик ҳақида гапирмоқ – тошга азон айтиш билан баробар. Шу маънода, эҳтимол айрим кишиларга фалон объект қурилиб, фойдаланишга топширилди, деган гап «марҳамат, кабоб тайёр» дегандан ҳам жўнроқ эшитилиши мумкин. Уёғини сўрасангиз, қуриш қанча заҳмат талаб этса, бузишга ундан кам меҳнат кетмайди. Мабодо, ўзинг қурган нарсани ўзингга бузишни буюрсалар, жисмоний заҳматга руҳий азоб ҳам қўшиладики, буни бошдан кечириш учун инсон иродаси темирдан бўлиши керак.

...Бир пайтлар Андижон шаҳрининг марказида «Володарский» тикувчилик фабрикаси бўларди. Кейин унинг номи «Чинор» деб аталди ва мулк шакли ҳам ўзгарди. Бироқ, олдинга силжиш кўзга ташланмади. Аксинча, яқин ўтмишда юзлаб одамлар меҳнат қилган корхона тақа-тақ тўхтади ва вақт ўтиб, ташландиқ жойга айланди. Ушбу объект хусусий шахслар қўлига ўтгандан кейин ҳам ижобий ўзгариш бўлмади, ҳисоб... Бу бино яна қанча вақт шаҳар қиёфасига хуснбузар бўлиб туриши номаълум эди, лекин у 2007 йилнинг баҳорида мажбурий сабаб билан бошқа шахс қўлига ўтгандан сўнг манзара ўзгарди: қайта таъмирланди. Натижада талай хусусий тадбиркорлар том маънода бошпанага эга бўлди, юзга яқин одам доимий иш билан таъминланди.

Бироқ, ушбу иншоот қанчалик тез суръатда қайта қурилиб фойдаланишга топширилган бўлса, эндиликда шундай тезликда... бузиб аввалги ҳолатига қайтарилиши лозим бўлиб қолибди?! Ажаб иш, шундай эмасми?

Бунинг сабабини тушунтириш учун айрим ҳолат ва ҳужжатларга мурожаат қилишга тўғри келади.

... 2007 йилнинг 5 апрель санасида жиноят ишлари бўйича Андижон туман суди икки нафар фуқаро – Улуғбек Эргашев ва Ҳакимжон Отахоновларга нисбатан айблов ҳукми чиқарди. Улар Жиноят Кодексининг тўртта моддаси билан айбланган, содир этган қилмиши натижасида етказилган зарар ҳисоб-китоби ярим миллиард сўмдан ошганди. Лекин биз мазкур жиноят ишининг тафсилотига эмас, балки ушбу мақолага дахлдор жиҳатигагина тўхталамиз.

Маълумки, иқтисодий жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланишининг чораси – етказилган зарар тўла қопланиши керак. Шунинг учун судланувчилар дастлабки тергов пайтидаёқ ҳаракатга тушади, бироқ топган-тутганлари зарар миқдорининг ярмига етади, холос. Шундан сўнг судланувчилардан бири – У.Эргашев ўзининг номида бўлган Андижон шаҳар, Абдурауф Фитрат кўчаси 256-уйда жойлашган тикувчилик фабрикасининг бино ва иншоотларини зарарнинг қолган қисмини қоплаш учун сотишни сўраб, судга мурожаат этади.

Судланувчининг мурожаати қаноатлантирилиб, у таклиф қилган объект суд ажримига асосан хатланади. Сўнг суд ижрочилари томонидан белгиланган тартибда сотувга қўйилади. Албатта, хароба ҳолатидаги объект дарҳол сотилиб кетмади, маълум вақт эгасини кутиб ётди. Бу орада ижрочилар юқоридаги жиноят иши бўйича фуқаровий даъвогарга (вилоят божхона бошқармаси) мурожаат қилиб, объектни ўз балансига олишни сўрашгача улгурди. Лекин ижобий жавоб бўлмагач, яна сотувга чиқаришдан бошқа чора қолмади...

Ниҳоят, 2008 йилнинг 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Кўчмас мулк биржаси Андижон вилоят филиалида бўлиб ўтган савдода объект «Анд-Наврўз» супермаркети томонидан 582.300.000 сўмга сотиб олинди.

Энди ижрочилар енгил тин олиб, тушган пулни зарарни қоплашга йўналтириб, ортганини судланган шахснинг ўзига қайтаргач, ишга охирги нуқтани қўйса ҳам бўларди. Лекин янги соҳиблар енг шимариб қурилиш ишларини бошлаган паллада судланган У.Эргашевнинг рафиқаси Дилдора Эргашева ижрочиларнинг кўчмас мулкни сотиш борасидаги ҳаракатларини ғайриқонуний ҳисоблаш баробарида ижрони тўхтатиш юзасидан судга шикоят берганди. Биринчи босқич судида шикоят қаноатлантирилади, иш апелляция босқичида ўзгаришсиз қолдирилади, бироқ фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят суди раисининг протестига кўра, Раёсатда бекор қилинади...

Ушбу суд жараёнлари бир неча ойлик вақтни олиши табиий, албатта. Бу давр мобайнида кўчмас мулкнинг янги эгалари жадал суръатларда қурилиш, бунёдкорлик ишлари билан шуғулланишга қайсидир маънода мажбур эдилар. Боиси, шаҳарнинг қоқ марказидаги авария ҳолатида бўлган бино тезроқ обод бўлишидан ўзлари ҳам, бошқалар ҳам манфаатдор эди. Натижада, қисқа муддатда кўрса кўргудай, ҳавас қилса арзигулик иншоот бунёд этилди.

Бироқ, қурилиш ишлари жадал суръатда кетаётган пайтда куртак отган мулкни сотиш билан боғлиқ низо у ишга туширилганда катта можарога айланиб улгурганди: энди у наинки суд ижрочиларини, балки мулкнинг янги соҳибларини ҳам безовта қила бошлади. Чунки энди суднинг қарорига кўра, «иншоот бузилиб, аввалги ҳолатига қайтарилиши керак» эмиш?!

Гап шундаки, даъвогар Д. Эргашева суд ижрочилари билан судлашуви бирёқлик бўлиб-бўлмай, фуқаролик ишлари бўйича судга иккинчи даъво ариза киритган эди: у Улуғбек Эргашев билан қонуний эр-хотин бўлгани учун суд ҳукмига кўра сотиб юборилган объект уларнинг умумий мулки бўлгани боис тенг ярмига ҳақли. Лекин ижрочилар уни огоҳлантирмай сотиб юборибди. Мулк сотиб юборилганини 2008 йилнинг март ойида тасодифан (?!) билиб қолибди.

Даъво аризасида олди-сотди шартномасини бекор қилиш, кўчмас мулкка нисбатан ўзининг эгалик ҳуқуқини тиклаш ҳамда объектни аввалги ҳолатига қайтариш сўралган эди.

Ўзбекчиликда оиладаги қувонч ва ташвишлар эр-хотин ўртасида муҳокама этилиб, бир тўхтамга келиниши одатий ҳол. Шу маънода, даъвогарнинг низоли объект суд томонидан хатланиб, сотувга қўйилгани, бунга эса турмуш ўртоғи томонидан содир этилган жиноят бош сабаб бўлгани-ю, натижада кўчмас мулкнинг биржа орқали сотилиб кетганини «тасодифан» билиб қолиши... аслида тасаввурга унчалик сиғмайди. Чунки, эрнинг тақдирини ҳал қилиш даражасидаги муаммодан хотиннинг хабардор бўлмаслиги бирмунча ғалатироқ эмасми?



Фуқаролик ишлари бўйича Қўрғонтепа туманлараро суди, кўплар кутгандек, даъвони рад этиш ҳақида Ҳал қилув қарори чиқарди. «Кўплар кутгандек» дейилишининг боиси, қонунда аниқ-тиниқ қилиб белгилаб қўйилган: **«Агар мол-мулк суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотилган бўлса, мол-мулкни ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича талаб қилиб олишга йўл қўйилмайди»** (Фуқаролик Кодекси, 229-модда). Вассалом. Бунинг устига, мулкни зарарни қоплаш учун сотувга қўйишни белгилаган жиноят ишлари бўйича суднинг Ҳукми қонуний кучда турибди, бекор қилинмаган.

Шунга қарамай, иш апелляция тартибида фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судида кўрилганда вазият... тескарига ўзгариб кетди: судлов ҳайъати 2009 йил 19 январдаги Ҳал қилув қарорини бекор қилди ва даъвони қаноатлантириш бўйича янги Ҳал қилув қарори қабул қилиш ҳақида Ажрим чиқарди. Унда кўчмас мулкни даъвогар ихтиёрига ўтказиб, «Анд-Наврўз» супермаркети жойидан кўчирилиб, объектни аввалги ҳолатига келтириш таъкидланган. Объектни сотиб олишга кетган маблағ эса даъвогар ва унинг турмуш ўртоғидан ундирилиши қайд этилди. Қурилиш ишларига сарфланган – сотиб олинган мулк баҳосидан уч баравар ортиқ маблағ ҳақида эса гап-сўз йўқ...

Яна, мана шу бинони сотишдан олинган маблағни зарарни қоплашга тўлаш эвазига У.Эргашев ва унинг жиноий шеригига суд озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаган эди. Энди бу ҳукмни ҳам бекор қилиш керакми? Ахир, жазони енгиллатган айнан мана шу мулкни сотишдан қопланган маблағ эди-ку!

Ҳар бир қабул қилинган қарордир, ажримдир, уларга қонун ва қонун ости ҳужжатларидан, бир қарашда жўялидай асослар келтирилади. Суд ҳужжатида келтирилган ҳуқуқий ҳужжатлар нечоғли тўғри қўлланилгани борасида то юқори турувчи суд органи холис тўхтамга келмагунича, у кучида тураверади. Мазкур иш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят судининг чиқарган Ажрими борасида ҳам гап шу. Биз масаланинг маънавий, ижтимоий жиҳатлари хусусида мулоҳаза билдирдик, холос.

«Анд-Наврўз» супермаркети раҳбарлари суд ҳукмига асосан ижрочилар томонидан сотувга қўйилган, маълум вақт сотилмай ётган, аянчли аҳволдаги объектни қонуний тартибда сотиб олди ва том маънода обод қилди. Натижада, мингдан ортиқ тадбиркорларга рисоладагидек фаолият юритиши учун муносиб шарт-шароитлар яратилди. Бу ҳол бугунги ижтимоий ҳаётнинг бирламчи талаби эмасми?

Бундан ташқари, юздан зиёд одам доимий иш билан таъминланди. Бу ҳол давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши бўлмиш саъй-ҳаракатларга «лаббай» деб жавоб бериш, унга қўшилган камтарона ҳиссадир.

Ушбу даргоҳнинг фойдаланишга топширилиши натижасида давлат ғазнасига ҳар ойда бир неча ўн миллионлаб сўм маблағ ва бошқа мажбурий тўловлар шаклида нақд пул маблағлари тушмоқда. Бу мамлакат иқтисодини мустаҳкамлашда ўринли меҳнат эмасми?

Ажримда, яна, юқорида айтилганидек, «Анд-Наврўз» супермаркетига собиқ тикувчилик фабрикасининг маъмурий бино ва иншоотларини «аввалги ҳолатига келтириш» мажбурияти юклатилган. Буни қандай тушунмоқ керак: йиллар давомида шаҳар ҳуснига доғ бўлиб ётган хароба бинони бугунги кўз кўрса қувонадиган муҳташам сарой қиёфасига келтириш учун юз миллионлаб сўм сарфлаган тадбиркорнинг маблағи қўкка совурилиб, уни бузиб, «аввалги ҳолатига келтириш» учун яна юз миллионлаб сўм сарфлаб – хароба ҳолига қайтариб қўйсинми? Қолаверса, яна такрор бўлса-да, айтмоқ жоиз: мулк суд ажримига асосан хатланиб, қонуний биржа савдосига қўйилгандан сўнг қонуний йўл билан сотиб олган тадбиркорнинг не айби бор?

Борни йўқ қилган эмас, йўқдан бор қилганларга бундай муносабат бугунги кун талабига қанчалар жавоб беради? Адолат ва қонунийлик тамойилларига-чи?

Абдуқаҳҳор УСМОНОВ,
ҳуқуқшунос.
Бахтиёр ШЕРАЛИЕВ,
журналист.

ТАЪЛИМ

ШОГИРДЛАРИ КЎП ИНСОН

Ўқитувчилик — энг улуғ касблардан бири ҳисобланади. Шунинг учун бу касбнинг машаққатларини енгиб, ақл-заковати, меҳр-оқибати билан ҳурмат-эътибор топганлар ҳар доим эл-юртнинг назарида бўлади.

Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 251-мактабнинг физика фани ўқитувчиси Гулчеҳра Аҳмедова ана шундай меҳридарё устозлардан бири. Энг аввало, ўз касбига бўлган меҳри, садоқати, меҳнати туфайли нафақат мактаб жамоасини, балки ўқувчиларнинг ҳам ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлди.

Гулчеҳра опа 25 йилдан буён шу мактабда фаолият кўрсатиб келмоқда. Физика фани бўйича туманда ўтказилган кўрик-танловларда фаол иштирок этади. Ҳаётининг мазмунини шогирдларининг камолидан топа олган устоз билан суҳбатлашар эканмиз, у киши қалби қувончга тўлиб шундай дейди:

— Халқимиз ўқитувчини улуғ устоз, — дея эъзозлайди. Бунга муносиб бўлиш осон эмас. Бунинг учун ўқитувчи болаларни ўз фарзандидек севиб ардоқлаши лозим. Ўқитувчилик — масъулиятли касб. Агар бирор дарсга тайёргарликсиз кирсангиз, сиздан ўқувчиларнинг ихлоси қайтади. Ўқишга бўлган муносабати ўзгаради. Шунинг учун мен ҳар бир дарсга пухта тайёргарлик билан кираман. Ўқувчиларнинг барча саволларига жавоб беришга ҳаракат қиламан. Уларнинг кўзига қараб, кўнглидагини билиб оламан. Мактабимизда билимдон, қобилиятли ўқувчилар жуда кўп. Шу билан бирга дарсларни ўз вақтида ўзлаштира олмайдиганлари ҳам бор. Уларнинг қалбида ўқишга нисбатан меҳр уйғотиш учун заҳмат чеккан кунларим кўп бўлган. Бундай болаларнинг оилавий шароити билан қизиққанимда, кўпчилигининг илм олиш учун барча имкониятлари мавжуд бўлиб, ота-онасининг бепарволиги туфайли ўқишга эътиборсиз бўлгани маълум бўлди. Ўтган йили бир неча ана шундай қолоқ ўқувчиларнинг ота-онаси билан ҳамкорлик қилиб, аълочи болалар сафига қўшдик. Кейин жамоамиз аҳил, бирдамлиги мени қувонтиради. Мактабимиз директори Абдувоҳид Раупов хушмуомала, очиққўнгил, олижаноб инсон. Жамоада соғлом муҳит мавжудлиги боис, бу даргоҳга ишга келиб, нафақага чиқиб кетаётган мураббийлар жуда кўп. Мени шундай улуғ касбни танлашимга сабабчи бўлган азиз устозларим — Мелихўжа Саидхўжаев, Шоазиз Шоҳакимов, Моҳира Тўлаганова, Хадича Ҳайдаровалардан миннатдорман.

Файласуфлардан бири Арасту «Шогирдлари кўп инсон доимо бахтлидир», — деганди. Шу маънода Гулчеҳра опа ҳам бахтли инсон.

— Ўқитувчимиз онамиз каби меҳрибон. Ўзига хос дарс ўтиш услуби билан қалбимизда физика фанига меҳр уйғотган. Келажакда танлаган касбимнинг етук мутахассиси бўлиб, устозимнинг ишончини албатта оқлайман, — дейди Гулчеҳра опанинг ўқувчиларидан бири Муҳайё Пирматова.

Дилноза ЖУМАНИЁЗОВА,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

СУРАТДА: ўқитувчи Гулчеҳра Аҳмедова. Муаллиф олган сурат.

ЭҲТИРОМ

Устоз бахти

Физика-математика фанлари доктори, Самарқанд давлат университетининг фахрий профессори Маъруфжон ота Исроиловнинг илмий хизматлари юртимиз илм аҳлига яхши таниш.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йиллари эди. Оила бошлиғи Исроил аканинг тақдири қатағон қилинган миллион-миллион бегуноҳларнинг қисматига шерик бўлди. Маъруфжон ўша вақтларда олти ойлик гўдак эди. Рўзғорнинг барча ташвиши онаизорининг елкасига тушди.

— Ҳар доим онамни эслар эканман, меҳрим, ҳурматим ошаверади. Боиси онаизоримиз жуда оғир кунларни бошидан кечирган. Биз фарзандлар у кишининг ғайрати, шижоати ва матонати туфайли қийналмасдан вояга етдик, — деб эслайди ўша кунларни Маъруфжон Исроилов.

Она чиндан ҳам фарзандлар тарбиясида қаттиққўл эди. "Кўчада шўхлик қилманглар, тағин одамлар булар отасиз ўсяпти, шунинг учун тарбияси йўқ", — деб айтмасин ёки "Қорнингиз овқатдан тўймаса ҳам бошингизни илму фан билан тўлдиринглар", — дея насиҳат қилар эди.

Мактабга кузатар экан она кенжа ўғли Маъруфжонга нигоҳ ташлаб, насиҳат қиларди:

— Яхши ўқи, болагинам. Бу кунлар ҳам ўтар. Раҳматли отанг сизларга яхши таълим-тарбия беришни орзу қиларди. Донишмандлар билим юракнинг ёрқин нури, унда кишининг бутун тани-жони роҳат топади, деганлар. Турмушнинг барча қийинчиликларини енгиллаштирадиган нур билимдир. Сен фақат ўқишинг керак.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида мактаблар ҳам ночор аҳволда эди. Аксарият ўқитувчилар жангга кетган, дарсларни эса урушдан ногирон бўлиб қайтганлар ёхуд кекса ўқитувчилар ўтишарди. Шароит ҳар қанча оғир бўлмасин, болалар мактабга келиб, қунт билан сабоқ олардилар.

Маъруфжон эса фавқулодда истеъдодли, билимга иштиёқи баланд ўқувчилар тоифасидан бўлиб, муаллимлари уни ҳамиша бошқаларга намуна қилиб кўрсатишарди. Унинг учинчи синфдан бирданига олтинчи синфга "сакраб" ўтиши ҳам бежиз эмасди. У азалдан математика фанига меҳри баландлигидан уйда мустақил дарс тайёрлар, риёзиётга доир китоблардан ўрганар ва ўқитувчиларни кутилмаган саволлари билан ҳайратга соларди.

* * *

Маъруфжон етуклик аттестатини олган куни волидаи муҳтарамасининг қувончи чексиз эди. Она аттестатни кўзларига суртаркан ўғлига ҳаяжон ила боқиб:

—Сен менинг ишонганимсан. Энди ўқишни давом эттиришинг керак. Ақл одамга мақсадга етиш учун берилган. Кетмонни ишлатмасанг занглайди, билим ҳам шундай, фойдаланмасанг қуриб қолади.

Маъруфжон Самарқанд давлат университетининг физика-математика факультетига ҳужжат топширди. Қабул имтиҳонларидан юқори баҳоларда ўтиб, талаба деган номга муяссар бўлди. Албатта, дорилфунуннинг мактабдан фарқи катта. Бу ерда дарсларни таниқли илм аҳли ўтарди. Улар ёшларнинг ҳар томонлама пухта билим олиши учун бутун куч ва маҳоратларини ишга солиб, шогирдлари қалбида фанга қизиқиш, ҳавас уйғотишга интилишарди.

— Риёзиёт фанини ривожлантиришда Ўрта Осиё донишмандлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган, — деганди Маъруфжонга устози Муҳаммаджон Собиров. — IX асрда ёзилган ал Хоразмийнинг "Ал-жабр ва ал-муқобала" асари алгебра фанига асос бўлди. Бу асарда биринчи марта алгебраик алмаштиришлар, квадрат тенгламаларни ечиш ва бошқа алгебраик масалалар тизимли баён қилинган. X асрда Абу Райҳон Беруний учинчи ва тўртинчи даражали тенгламалардан геометрик масалаларни ечишда фойдаланган. Умар Хайём куб тенгламаларни геометрик йўл билан мукаммал текширди. Насриддин Тусий учбурчакларни ечиш масаласини тўла ҳал қилди. XV асрда Самарқандда Улуғбек бошчилигида яратилган машҳур илмий мактаб астрономия ва математика фанининг кейинги тараққиётига жиддий таъсир кўрсатди. Ишончим комилки, сиз, талабалар орасида ана шундай алломаларнинг ворислари бор. Сизларни уларнинг руҳи қўлласин, асарларингиздан бошқалар баҳраманд бўлсин.

Бу гаплардан янада руҳланган Маъруфжон устозларнинг дарслари, маслаҳатларидан кўпроқ баҳраманд бўла бошлади. Барча имтиҳонларда фаоллик кўрсатди. Унинг учун математика гўё сирли ва ажиб бир уммон эди. Риёзиёт тубига қанчалик чуқур кирса, шунчалик ижодий ва маънавий ҳаловат топарди, шунингдек, турли математик масалаларни ечиш унга завқ-шавқ бағишларди.

* * *

— Диплом олибсан, табриклайман, — деди ўғлининг муваффақиятидан қувонган Ёқутой Раззоқова. — Илм дарёси ҳудудсиз. Билим кишини буюкликка чорлайди, яхши кунларга етаклайди. Болагинам, сенда кучли ирода бор. Ана шу сенга қувват бўлади.

— Сизнинг ҳар бир дуо-ю насиҳатингиз менга куч-қувват бағишлайди, — деди Маъруфжон. — Пойтахтга бориб ўқишни давом эттирай.

Тошкент чиндан Маъруфжон Исроиловга катта имкониятларни очиб берди. У таниқли ўзбек математик олимлари Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиддинов, Восил Қобуловлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг устозлигида чиниқиб мустақил олим сифатида тан олина бошлади. Шу билан бирга ёш олим Москва, Санкт-Петурбург, Вильнюс ва бошқа илм масканларида ўтадиган илмий анжуманларда фаол қатнашиб, дунёга машҳур олимлар, жумладан, академиклар Иван Виноградов, Сергей Соболев, Юрий Линник, Йонас Кубилюс ва бошқа машҳур олимлар билан мулоқотда бўлиб, фан сирларини янада мукаммалроқ ўрганди. Уларнинг фойдали суҳбатларидан, маслаҳатларидан баҳраманд бўлди. Натижада Маъруфжон Исроилов қисқа вақтда сонлар назариясига доир номзодлик ишини ёқлади, кейинчалик эса фан доктори бўлди.

Физика-математика фанлари доктори, профессор Маъруфжон Исроилов қарийб қирқ йил Фанлар академиясининг математика ва кибернетика институтларида, Ўзбекистон Миллий университетида илмий фаолият олиб борди ва талабаларга дарс берди. Айни пайтда сонлар назарияси ва ҳисоблаш математикаси бўйича мамлакатимиздаги илмий мактабларнинг ташкилотчилари ва раҳбарларидан бири ҳисобланади. Долзарб мавзуда илмий мақолалар, дарсликлар ва китоблар ёзди. 15 дан ортиқ фан номзоди ва фан докторларига илмий раҳбарлик қилди. Унинг қалдирғоч шогирдларидан бири Толиб Мақсудов устозига ўз эҳтиромини шундай изҳор этади:

— Бахтли тақдир менга камтар, зукко, одамохун инсон Маъруфжон Исроиловни рўбарў қилди. Мен устоздан кўп нарсани ўргандим. У кишининг мамлакатимизнинг турли жойларида юзлаб шогирдлари бор. Чунки домла риёзиёт оламида ўзига хос мавқега эга. У кишининг

инсоний фазилатларидан яна бири — барчага баробарлиги ва адолатпарварлигидир.

* * *

Олимнинг кундалик турмуш тарзи деярли бир хил. У китоб мутолаа қилади, илмий маруза ўқийди, қомусларни варақлайди, қўлёзмалар билан танишади, шогирдлар ёзган рисолаларни таҳириру таҳлил этади. Фарзандлар, неваралар билан бўладиган ширин суҳбатлар ҳам унга олам-олам завқ бағишлайди. Ҳалима ая билан бахтли оила қуришди. Ўғил-қизлари ҳам ота изидан бориб, ҳаётда ўз ўрнини топдилар. Бир-биридан ширин-шакар неваралар бобоси атрофида яйраб, қувнашиб, унинг ёшлигини эсга солишади.

Шундай кунларнинг бирида устознинг уйига ташриф буюрдик. Бир пиёла чой устида суҳбатимиз кўр олди.

— Инсон кексайган сари, — деди Маъруфжон ака столида ёйиб қўйилган китоб, дафтарларга ишора қилиб, — одатининг асири бўлади, деганлари рост экан. Тарки одат — амри маҳол, дегандай, китоб жавонлари ҳамон оҳанрабодай ўзига тортади. Беш мингдан зиёд китобларим бор. Илмий ишларни бир ёқли қилгандан сўнг Алишер Навоий, Саъдий Шерозий, Имом ал Бухорий, Румий, Беруний, қадимий юнон ва хитой файласуфлари ҳамда бошқа алломалар, шоиру ёзувчилар ижоди билан қайтадан танишаман. Шунда ўзимни улар билан гўё юзма-юз бўлгандай ҳис этаман.

— Ҳадисларда ҳар бир киши яхши фарзанди, муносиб шогирди ҳамда яхши фазилатлари билан умрбоқийдир, дейилади... Шундай эмасми?

— Худди шундай — дейди устоз. — Фарзанду фазилатларим тўғрисида бошқалар гапирсин, мен эса шогирдларим тўғрисида гапирсам. Жуда кўп шогирдларим бор. Улар орасида ҳаракатчан, билимга меҳр-эътиқоди баландлари кўп. Аксарияти республикамизнинг турли тармоқ ва соҳаларида ишлаб келмоқда, Юртимизга садоқат билан хизмат қилмоқда. Мен улар билан фахрланаман.

* * *

Ҳар бир одам — бир олам. Муҳими, ҳар ким ҳаётда ўз ўрни, ўз йўли ва ўз мавқеини тўғри топа билишида. Маъруфжон ака Исроилов ҳам ўзининг ҳалол меҳнати, сабр-тоқати, мустаҳкам иродаси, шогирду издошларига нисбатан чексиз ҳурмати боис катта бахт, нурли тақдирга сазовор бўлди. Таниқли математик олимнинг илм-фан ривожи йўлида қилган хизматлари катта. Бугун ҳам домла магистрант, аспирант, докторантларга раҳбарлик қилиб келмоқда. Илму маърифатни фидойилик билан тарғиб қилмоқда.

Аҳмаджон СОЛИЕВ,
Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети проректори, профессор.

СУРАТДА: физика-математика фанлари доктори Маъруфжон Исроилов.

Таҳририятга хатлар

АСАЛАРИ — ОИЛА ТАБИБИ

Асаларилар асал йиғиш учун юз минглаб гулларга қўниб, улардан озуқа йиғади. Ўз меҳнатини шундай меҳр билан амалга оширадики, қараб кўзинг тўймайди. Ёшлигимдан бу меҳнаткаш жонзотларни парвариш қилишга жуда орзуманд эдим.

Бир куни ҳовлимиз четидаги ўрик дарахтига бир тўда асалари учиб келиб ўрнашди. Кўнглимда асаларичилик билан шуғулланиш нияти пайдо бўлди. Дарахтга чиқиб, асаларилари бир амаллаб чопонимга ўраб тутиб олдим. Кейин уларни яшикка солиб, қўшни асаларичи бобонинг маслаҳати билан парвариш қила бошладим. Асаларини етти хазинанинг бири, оила табиби деб аташлари бежиз эмас экан. Ёшлигимдан ошқозонимда қаттиқ оғриқ безовта қиларди. Буни қарангки хасталик бутунлай йўқолиб кетди.

Абдулазиз РУСТАМОВ,
Навоий вилояти.

ХОТИРА ТУРНИРИ

Инсон умрини оқар сувга қиёслашади. Бу бежиз эмас. Аллоҳ томонидан берилган умр — омонат. У умрини эзгу ва савоб ишларга бағишлаган инсонлар одамлар қалбида мангу яшайди. Узоқ йиллик фаолияти давомида Новқат қишлоғида бригадир, ферма мудири, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаган Абдиназар бобо Мейлимуродов номи ҳам бугунги кунда касбиликлар тилида ва дилида яшамоқда. Камтарин, ҳокисор, ҳалол инсон умри давомида Новқат ва қўшни қишлоқлар тараққиёти йўлида ҳалол хизмат қилди. Деҳқончиликни, чорвачиликни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди.

Яқинда шу инсон фарзандларининг ташаббуси билан Новқат қишлоғидаги 31-мактаб ўйингоҳи томошабинлар билан гавжум бўлди. Шу куни футбол бўйича Абдиназар Мейлимуродовнинг хотира турнири ўтказилди. Унда Таллиқўрғон, Пандирон, Жейнов қишоқлари ва қўшни Қарши туманининг Лаганди қишлоғидан келган жамоалар иштирок этди. Қизғин кечган мусобақада Новқат қишлоғининг "Дўстлик-1" жамоаси ғолиб бўлди.

Аҳмад МИРАКОВ,
Қашқадарё вилояти.

ОР ВА ҲАЁ

Арастунинг қизидан: "Аёлдаги энг чиройли нарса нима?" деб сўраганларида, у "ҳаё туфайли юзда намоён бўлган қизиллик" деб жавоб берган экан. Ҳа, ҳаё барча гўзалликларни ўзида мужассам этувчи ва барча қўркамликларни юзага чиқарувчи фазилатдир. Аммо кўчалар, истироҳат боғларидаги ўриндиқларни эрталабдан кечгача банд қилиб, бир-бирларига суйкалишаётган тенгдошларимни кўриб ачиниб кетаман. Энг афсусланарлиси, улар хотира хиёбонларида ҳам шундай номақбул хатти-ҳаракатларини давом эттиришади.

Мени бир савол ўйлантиради. Наҳотки улар ўз қадр-қимматларининг паймол бўлаётганига ақли етмайди? Ўзбек қизларига "Кеча ва кундуз"даги Зебининг, "Ўтган кунлардаги" Кумушнинг одоби ибратлидир. Бизнинг томиримизда Увайсий, Нодирабегим, Зулфияхонимлар қони оқмоқда. Айтадилар-ку: ор ва ҳаё бир-бировига ўзаро яқин бўлган икки нарса деб. Инсон улардан биттасини ўзида мужассам эта олса, иккинчиси ҳам юксалаверади.

Нишона ИСАЕВА,
Тошкент шаҳри.

РЕКЛАМА МАШҲУР ҚИЛГАН ЁЗУВЧИ

XXI асрни рекламасиз тасаввур этиш қийин. Бозор иқтисодиёти шароитида унинг жамиятдаги мавқеи ошиб бораяпти. Реклама ҳақиқатан ҳам жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади. Аммо ёмон нарсани ҳам реклама орқали машҳур қилиш, оммалаштириб юбориш имконияти мавжудлигини ёдда тутмоқ лозим. Масаланинг энг нозик жиҳати ҳамда шунда. Масалан, европалик таниқлари Фил Леминнинг фикрича англиялик ўқитувчи Жоан Роумингнинг Гарри Поттер туркумидаги биринчи асари бор йўғи 1000 нусхада босилганди. Аммо унинг еттинчи асари ярим миллиард нусхада нашр этилди. Бунда рекламанинг кучи яққол кўринади. Нетаки бу асар адабиётда аслида бирор янгилик яраттани йўқ. Лекин унинг тариготи барчанинг диққатини қозона олди. Ҳозирда асар асосида ишланган кинолар бутун муаллифга миллион-миллион доллар фойда келтирмоқда.

Шоира МАҲМУДОВА,
ЎзДЖТУ талабаси.

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРДА

Боланинг бегонаси бўлмайди

Кейинги пайтда ижтимоий иш ибораси талаффузимизда ва матбуотда тез-тез учрамоқда. Бу табиий ҳол, албатта. Сабаби республикамизда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан турли жамоат бирлашмалари, уюшма ва марказлар, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолияти тобора ривожланаётгани туфайли юртдошларимизнинг ижтимоий фаолияти ошмоқда. Яқинда Бухоро шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан беш нафар вакил ҳудудда ижтимоий иш йўналишини мувофиқлаштириш мақсадида Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида ўз малакаларини ошириб қайтди. Уларнинг айримлари "Мадад" оилани ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ходимлари эди. Ушбу нодавлат нотижорат ташкилот Бухоро шаҳар хотин-қизлар қўмитаси хузурида ташкил этилган бўлиб, унинг раҳбари Зумрадхон Кенжаевадир.

— Бугун оилани ижтимоий ҳимоя қилиш марказимизда "ЮНИСЕФ" халқаро ташкилотининг лойиҳаси бўйича махсус дастур асосида иш олиб бормоқдамиз, — дейди З.Кенжаева. — Ушбу дастур мақсадига кўра шаҳримизда ижтимоий иш фаолиятини тарғиб қилаяпмиз. Хўш, дастурнинг асосий моҳияти нимадан иборат? Марказимиз вакиллари шаҳримиздаги қаровсиз, назоратсиз қолган болаларни аниқлаб топади. Кейин уларнинг турмуши, ўтмиши ўрганилади. Боланинг қариндошлари аниқланиб, улар билан суҳбатлар уюштирилади. Лозим топилса, оилаларга моддий ва маънавий кўмак ажратилади. Мақсадимиз назоратсиз қолган болани оила бағрига қайтаришдан иборат.

Келинг, фикримизни мисоллар билан изоҳлайлик. Вилоятимизда иккита Меҳрибонлик уйи бор. Биттаси шаҳарда жойлашган. Бу ерда жами икки юзга яқин бола давлат ҳисобидан тарбияланади. Уларнинг 69 нафари олти, 107 нафари ўн олти ёшгача бўлган болаларни ташкил этади. Табиийки бундай ёшларнинг тарбияланиши, ўқиши, озиқ-овқат ва кийим-кечаги учун давлат бюджети томонидан катта маблағ ажратилади. Агар бу болалар ота ёки оналарига, у ёки бу қариндошларига тарбияланиш учун қайтарилса, бу ижтимоий хизматдан аввало бола манфаат кўради. Ижтимоий иш ходими учун бу ниҳоятда масъулиятли вазифа. Шу боис, бу соҳадаги ходим бир неча тиллардан хабардор, маънавияти бой, тарбиячи, руҳшунос, ҳуқуқшунос бўлмоғи лозим.

Мутахассисларимиз шу йилнинг икки ойи давомида тўрт нафар қаровсиз боланинг қариндошларини аниқлаб топди, болаларни уларга қайтаришга эришди. Фаолияти энди йўлга қўйилаётган лойиҳамиз учун бу кўрсаткичлар салмоғи паст эмас.

Шунингдек, Зумрадхоннинг Бухоро шаҳар хотин-қизлар қўмитасида бош мутахассис бўлиб ишлаётгани фуқароларнинг муаммоларини ҳал



этишда, ижтимоий кам таъминланган оилаларга ёрдам беришда қўл келади. Ташкилотчилиги, тиниб-тинчимаслиги билан бирга иқтисод, психология, педагогика фанларидан хабардорлиги "Мадад" нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятини йўлга қўйишда асқотди. Ушбу ташкилот 2002 йилдан буён фаолият юритади. Шаҳардаги кам таъминланган оилаларга ижтимоий кўмак бериш, уларга ҳунар, иш ўргатиш, ўқишни ташкил этиш ҳам унинг зиммасидаги асосий вазифалардан ҳисобланади. Шаҳар ҳокимияти марказ фаолият юритиши учун икки қаватли алоҳида бино ажратди. Ходимлар дастлабки йиллари иккита грант лойиҳасини амалга ошириб, беш миллион сўм маблағга эга бўлдилар. Шаҳар ҳокимияти ҳам моддий ёрдам берди. Натижада ташкилотнинг моддий-техник имкониятлари кенгайди.

Зардўзлик, тикувчилик цехлари, компьютер саводхонлиги хонаси, соғломлаштириш зали ишга туширилди. Уларни зарур жиҳозлар билан таъминлашда ҳомийлар жалб этилди. Хуллас, тўрт-беш йил ичида ушбу марказ шаҳар аҳлига беминнат хизмат кўрсата бошлади. Зумрадхон Кенжаеванинг айтишича, мутахассислар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига, ишсиз ёшларга зардўзлик, тикиш-бичиш ҳунарларини бепул ўргатади, компьютер саводхонлигидан сабоқ олишларига ёрдам берадилар, ҳокимиятнинг меҳнат бўлимлари билан ҳамкорликда бу ёшларни ишга жойлаштиришга ҳаракат қиладилар.

Биз "Мадад" оилани ижтимоий ҳимоя қилиш маркази мисолида Бухоро шаҳридаги фуқаролик жамияти институтларининг кичик бир бўғини фаолиятига тўхталиб ўтдик, холос. Шаҳарда бундай жамоалар, ибратли ишлар талайгина.

Мамлакат НОРМУРОДОВА ®

ПРОКУРАТУРА ХОЛИС ТАНҚИД ТАРАФДОРИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Келинг, аввал тасдиғини топган танқидий мақолалар ҳақида гаплашайлик. "Правда Востока", "Hurriyat", "Инсон ва қонун", "XXI аср", "Зеркало XXI", "Моҳият" каби газеталарда эълон қилинаётган танқидий чиқишларда бугунги долзарб муаммолар қаламга олинаётгани таъкидга лойиқ. Хусусан, "Емаган сомсага ҳақ...", "Прокурор протести нега бажарилмаяпти?", "Йўл бўлсин, йўловчи?", "Чуваланган калава" ("Hurriyat"), "Суд қарори муҳокама этиладими?", "Бир кунда... икки марта ишдан бўшатилди", "Мендан кетгунча, эгасига етгунча...", "Fов" ("Инсон ва қонун"), "Қишга қачон ҳозирлик кўрасиз?", "Мурғакларни аягин, аёз" ("Ишонч"), "Опасное соседство", "А если завтра снег?" ("Правда Востока"), "Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқми?" ("Қадрият"), "Экономят на детях" ("Новости Узбекистана") ва бошқа нашрларда чиққан қатор танқидларда баён этилган ҳолатлар текширувда ўз тасдиғини топди. Натижада жиноят иши қўзғатиш даражасида прокурор таъсир чоралари қўлланилганини юқорида қайд этиб ўтдик.

— ***Шу ўринда аниқ бир-иккита мисол келтирилса, мақсадга мувофиқ бўларди...***

— Марҳамат. "Зеркало XXI" газетасида босилган "Чёрная валюта: удобно, выгодно, прибыльно. Но кому?" деб номланган мақолада ёзилганидек, ҳақиқатда Тошкент шаҳридаги айрим валюта айирбошлаш шохобчаларида қонун бузилишлари содир этилаётгани аниқланган. Суриштирув натижасида бир қанча валютафурушлар ашёвий далиллар билан қўлга олиниб, уларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди. "Hurriyat"да босилган "Емаган сомсага ҳақ..." мақоласида қаламга олинган жиноят иши ўрганилганда эса муаллифнинг мулоҳазалари асосли бўлгани учун суд ҳукмини бекор қилиш ҳақида прокуратура томонидан протест киритилди ва у қаноатлантирилди. "Инсон ва қонун"да чоп этилган "Суд қарори муҳокама этиладими?" мақоласида характерли мисол келтирилган: жиззахлик фуқаро М.Каримова бир неча йил судлашиши натижасида, ниҳоят ўзининг ҳақ эканини исботлаган. Бироқ, ижро жараёни кулгили ҳолат ва сабаблар билан пайсалга солинаверилган... Мақола ўрганилгач, прокуратуранинг фаол ҳаракати билан суд ҳужжати ижро этилди — фуқаро ишга тикланди. "Қадрият" газетасида босилган "Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқми?" мақоласини алоҳида таъкидлашни истардим. Негаки, унда Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги касаначилик соҳасидаги аҳвол куюнчаклик билан ёритилган. Мақола юзасидан ўтказилган текширувда маълум бўлдики, ҳақиқатда мухбир куюнганича бор экан... Натижада бир қатор мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий ва интизомий ишлар қўзғатилди. Бундан ташқари, мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига тақдимнома киритилди...

— ***Матбуотдаги танқидий чиқишлар прокуратура органлари томонидан эътиборсиз қолдирилмаётгани эътирофга лойиқ, албатта. Бироқ, айрим чоп этилган танқидлар бўйича тахририятларга йўлланаётган жавобдан қониқмаслик ҳолатлари ҳам йўқ эмас-да?!***

— Бу мутлақо табиий. Ахир, журналист, борингки, тахририят қарашлари билан прокуратура нуқтаи назари уйғун келмаслиги мумкин-ку?! Бу саволингизга "тасдиғини топмаган" танқидлар борасидаги қуйидаги мулоҳазаларимиз ҳам жавоб бўлади. Юқорида прокуратура органлари томонидан ўрганилган танқидларнинг қирққа яқини хусусида "тасдиғини топмади", дея

хулоса қилишга тўғри келганини айтдик. Хўш, бу тоифадаги танқидларда қандай масалалар кўтарилган? Аввало, таъкидлаш керак, "тасдиғини топмади" дегани мақола мутлақо ҳақиқатдан йироқ, деган маънони англатмайди. Бундай танқидларда асосан фуқаролик ёки хўжалик судларида кўрилган ишлар қаламга олинади. Кузатишлар шуни кўрсатаяптики, муайян иш бўйича чиқарилган суд қарорлари хусусида ёзилган мақолалар муаллифлари тўқсон тўққиз фоиз ҳолатда адвокат тақдим этган ҳужжатлар билан чекланиб қолишмоқда. Ахир, журналист фақатгина оқловчи ёки қораловчи эмас, аксинча холис бўлиши керак эмасми?! Оқибатда айрим мақолалар бир томонлама ёзиладики, бундан мухбирга ҳам, тахририятга мурожаат этган шахсга ҳам наф йўқ даражада... "Хонадон соҳиби ким?" ("Инсон ва қонун"), "Биз ер одамимиз" ("Жамият"), "Жаноб Асқаровнинг қўли шунча узунми?" ("XXI аср") ва бошқа қатор чиқишларда масала моҳияти етарлича ўрганилмагани, айрим журналистларда ҳуқуқий савод кўнгилдагидек эмаслиги билиниб қолган, назаримизда... Биз шартли равишда "тасдиғини топмаган" деяётган мақолалар сирасига "тахририятга хат"га ўхшаш рукнлар остида эълон қилинадиган айрим материаллар ҳам киради. Бундай "хатлар" муаллифи ўзи дуч келган муаммолар хусусида сўз юритадики, турган гап, қарашлар бир томонлама бўлади. Ҳолат ўрганилганда эса вазият ўзгачароқ экани аниқланади. Яна битта мисол. "XXI аср" газетасининг ўтган йил 14-сонида "Сир сақлаш операцияси" номи остида ҳажман каттагина шикоят хати босилди. Уни ўқигач, Термиз туманидаги айрим фермерлар (шикоят уч нафар фермер номидан берилган) маҳаллий ҳокимият ва собиқ "Дўстлик" ширкат хўжалиги раҳбарлари фаолиятига чидаб келганига минг раҳмат дегинг келади. Аммо шикоятда баён этилган ҳолатлар текширилганда унинг учдан икки қисми тасдиғини топмади! Боз устига, текширув жараёнида "муаллифлар" тахририятга шикоят ёзишмагани, бир одам тайёр аризани олиб келиб, имзо қўйса хўжаликдан пай улушларини олишда ёрдам беражагини айтгани боис, аризани ўқимасдан қўл қўйиб беришганини билдирдилар... Демоқчимизки, шунга ўхшаш мақолаларни эълон қилаётганда тахририят мутасаддилари масалага холислик мезонидан туриб қарасалар мақсадга мувофиқ бўларди.

— ***Наҳотки, суд қарорлари тўғрисида матбуотда чоп этилган барча мақолалар бир томонлама бўлса?***

— Йўқ, албатта. Масала пухта ўрганилиб, эътирозга ўрин қолдирмайдиган даражада ёзилаётган танқидлар ҳам йўқ эмас. Масалан, "Моҳият" газетасида эълон қилинган "Емаган сомсага тўланаётган пул" мақоласини ўрганиш натижасида Бош прокуратура томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатига протест киритилди ва у қаноатлантирилди. Шунингдек, "Опасное средство" ("Правда Востока"), "Коммунальный капкан" ("Частная собственность") сарлавҳали мақолаларда баён этилган ҳолатлар юзасидан ҳам протестлар киритилди.

— ***Албатта, сон эмас, сифат муҳим. Шунга қарамай айтинг-чи, сизнингча, матбуотда чиқаётган танқидлар озми ё кўпми?***

— Агар газеталар сонига қараб айтадиган бўлсак, оз. Бироқ, кейинги пайтларда журналистларимиз анча фаоллашиб қолган. Ўтган йили прокуратура органлари томонидан ўрганилган танқидий мақолаларнинг жами сони 96 тани ташкил этганди. Бу йилнинг биринчи чорагида элликка яқин танқидлар ўрганилди, ўрганилмоқда. Бу энди алоҳида мавзу.

— ***Светлана Боймирзаевна, яна бир эркинроқ савол: матбуотда танқид чиқса, пешонангиз тиришмайдими? Ахир, бу қўшимча ташвиш-ку?!***

— Билсангиз, прокуратура органлари доим холис танқид тарафдори. Ахир, холис танқидлар биринчи навбатда жамиятда қонун устуворлигини таъминламайдими?! Жамиятда қонунийликни таъминлаш прокуратура органларининг конституцион вазифасидир. Энди ўйланг, наҳот жамиятдаги муаммолар кўтариб чиқилаётган танқидларга ўзгача муносабатда бўлсак?! Йўқ, қонунийликни таъминлашда бизга эш бўлаётган матбуотни, унинг фидойи ходимларини қадрлаймиз. Прокуратура органларининг матбуотдаги танқидий чиқишларга алоҳида муносабатда бўлишининг сабаби ҳам шунда.

"Hurriyat" мухбири А.ПАРДАЕВ суҳбатлашди.

ҚАНДОЛАТЧИЛАР МАКТАБИНИ ОЧСАК

Новвот, парварда, турли пиширириқлар қандолатчилик маҳсулотлари ҳисобланади. Аммо туманимизда бу маҳсулотлар талаб даражасида тайёрланмайди. Улар Жиззах шаҳридан, баъзан Зомин ва Гулистондан олиб келиб сотилади. Шунинг учун ҳам бир килограмм новвот Жиззах бозорида 1400 сўм бўлган бир пайтда Баландчақирда 1800 сўмдан сотилмоқда. Самарқандда тайёрланиб Жиззах орқали бизга олиб келинаётган қандолат маҳсулотларининг ҳам нархи юқори. Ажабланарлиси шундаки, туманимизда бултур бўлиб ўтган ярмаркада "ўзимиз тайёрлаганмиз" қабилида Самарқандда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни намойиш этиб айрим савдо фирмалари кўзбўямачилик қилишди. Бу билан улар ярмарка иштирокчиларини эмас, ўзларини алдашди. Энг муҳими, ушбу хусусий корхоналар истеъмолчиларнинг ҳуқуқини поймол қилиш билан бирга уларнинг ишончини ҳам йўқотишди.

Келинг, энди қандолат маҳсулотлари тайёрлашни ўзимизда йўлга қўйсак. Хўш, қандолатчилар тайёрлаш мактабини ким очади?

М. ХАЙРУЛЛАЕВ,
"Янгиобод тонги", (Сирдарё).
31.03.3009 йил.

БУХОРО МИНОРАЛАРИ

Мустақиллик йилларида тарихий ёдгорликларимизни асраб-авайлаш, уларни таъмирлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида кўплаб ишлар қилинаяпти. Асрлар силсиласидан ўтган бу осори-атиқалар орасида Бухоро миноралари алоҳида ўрин тутади.

— Вилоятимизда айни дамда 15 та қадимий минора бор, — дейди меъмор Исмат Муҳсинов. — Вобкент минораси, Чорбакр, Қасри Орифон миноралари шулар жумласидан. Улардан бири Минораи Калондир. Ундаги нафислик, геометрик уйғунлик, меъморий ечими ва аниқ ўлчовга эгалиги ҳали-ҳануз кўпчиликни ҳайратда қолдирмоқда. Унинг пойдевори 11,5 метр, баландлиги 47,5 метр, диаметри эса ўртача 9 метрга тенг. Ушбу тарихий ёдгорлик 1127 йилда Бақо исмли меъмор томонидан қурилган. Ривоят қилишларича, уста минора пойдеворини тиклаган-у, юйиб бўлган. Орадан бир йил ўтгач, қайтиб келиб, минорани тиклашга киришган. Уста шу тариқа пойдеворнинг мустаҳкам бўлишига эришган. Ҳозир 882 ёшдаги бу минора не-не воқеаларнинг шоҳиди бўлмади, дейсиз. Аммо у вақт синови ва давр талатўпларидан омон қолди.

Бунинг сири миноранинг инсон қадди-қоматига ўхшатиб қурилганида, деб биламан. Минорага разм солсангиз, унинг юқори қисми бошига кулоҳ кийиб, салла ўраган кишини эслатади. Пастки қисми эса одам қоматига ўхшаб кетади. Агар киши кичик бир тошни пешонасига тутиб ташлаб юборса у албатта, оёғи учига тушади. Аждодларимиз миноранинг асрлар оша мувозанат сақлаб туришига эришиш учун шу оддий ҳақиқатдан оқилона фойдаланган.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Бухоронома», 08.04.2009 йил.

УМАРОВНИНГ «ЎЙИН»ЛАРИ

Ғайрат Умаров суянадиган «тоғлар» уни туманда энди ташкил этилган футбол клубига бошлиқ қилиб тайинлашди. Лекин спортдан бехабар одам қандай қилиб бу ишнинг уддасидан чиқиши мумкин? Шунинг учун бўлса керак, ҳеч ким Бойсун туманида футбол клубининг иши ривожланиб, мусобақаларни кўтаринки руҳда ўтказишига ишонмай қўйди.

Хўш, туман ёшлари орасида сергайрат, футболга ихлос қўйган ёшлар йўқми? Ишонч билан айтиш мумкинки, уларнинг сафи кенг. Лекин ёшларнинг бошини қовуштириб, футболчилар сафига жалб қиладиган раҳбар лоқайд бўлса, нимага эришиш мумкин? Раҳбар Ғайрат Умаров эса ўзидан бошқанинг ташвишини қилмайди.

- Эшитдингизми? Ғайрат Умаров клуб ҳисобидаги 5,5 миллион сўмни казо-казолар билан бўлишиб олибди, — деди футболчилардан бири мен билан суҳбатда.

Футболчининг гапида жон бор экан. Негаки, ўтказилган текширувларда клуб томонидан 2005 йилда иш ҳақи учун 495614 сўм, хизмат сафари учун 275216 сўм, 2006 йилда 126 минг сўм иш ҳақига, 690 минг сўм хизмат сафари учун, 2007 йилда 4870000 сўм иш ҳақига, 710 минг сўм хизмат сафари учун олинган нақд пул маблағлари белгиланган мақсадлар учун фойдаланилмагани ойдинлашди. 2008 йилнинг 1 сентябригача ҳисоб рақамига 957000 сўм кирим қилиниб, 956 минг 575 сўм 92 тийин сарфланган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Олинган пуллар қаёққа гумдон бўлди? Кўкка совурилдими ёки сувга оқизиб юборилдими?

Омон ШУКУРОВ
«Термиз оқшоми", (Сурхондарё).
10.04.2009 йил.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

МАҲОРАТ КУНДА КЕРАК

(Бошланиши 1-бетда.)

Табиийки, бу катта жавобгарлик ҳисси уни доимо холислик, ҳушёрликка ундаб туради. Яна бир муҳим жиҳатга эътиборни қаратишга тўғри келади: газеталарда кўпинча бўш, тахриртталаб, зерикарли мақолаларни ўқиб қоламиз. Келинг, бунинг сабабларини ўрганиб кўришга ҳаракат қилайлик. Одатда бирор муаллиф ўз мақоласини босиб чиқариш учун мақолани газета тахририятига олиб боради. Газета ходими мақола билан обдон танишгач, унинг муаллифига ўз фикрларини айтиб, мақоланинг устидан қайта ишлаб келишни маслаҳат беради. Тахририят ходими газетада чиқиши лозим бўлган мақоланинг ўқувчиларга манзур бўлиши, қолаверса, қизиқарли, ўқишли бўлиш тарафдори. Шу маънода, унинг муаллифга қўйган талаби жуда асосли. Аммо газета ходимининг бу ҳақли талабини ҳар ким ҳар хил қабул қилади. Буни тўғри тушуниб етган муаллиф мақоласини обдон қайта ишлаб, тўлдириб, тахрир қилгач, яна тахририятга олиб боради ва уни босиб чиқаришга эришади. Борди-ю, муаллиф иззатталаб, ўжарроқ киши бўлса-чи, ўша мақоласини қандай бўлса, шундайлигича бошқа бир газетага олиб боради. Ҳозир нима кўп, газета кўп, буниси бўлмаса яна бошқаси. Бирортаси «бозордан қайтган» ўша мақолани ўз саҳифасида босиб чиқаради. Афсуски, бу ҳол одат тусига айланиб қолаётгандек. Негаки, бугунги кунда минг таассуф, кўпгина туман, ҳатто вилоят ғазеталарини варақласангиз, уларда чоп этилаётган мақолалардаги турли хил ғализликлар, ғиж-ғиж имло хатоларга "бойлиги"ни кўриб ҳайрон қоласан киши. Наҳотки, аҳвол шу даражада бўлса? Нақадар саводсизлик, дейсан куюниб.

Албатта, бу билан мен ҳамма ҳудудий нашрларда ҳам ҳолат шундай демоқчи эмасман.

Аммо... ўнлаб, балки ундан-да кўплаб "сариқ матбуот" деб аталувчи "кўча" газеталари ҳақида эса гапирмасак ҳам бўлади. Худди шу сингари муаммолар айни пайтда ҳар хил хусусий теле-радио студияларида ҳам мавжудлиги сир эмас. Айниқса, FM тўлқинларидаги аҳвол жуда ачинарли. Шундай чоғларда она тилимизга қилинаётган бундай ҳурматсизликдан кўнглим оғрийди, дилим эзилади.

Дарвоқе, мақола ёзиш, уни эринмасдан таҳрир қилиш, масъулиятни ҳис қилиш... Шулар ҳақида ўйлаганимда, анча йиллар илгари гувоҳи бўлганим бир ижодий жамоанинг жўшқин фаолияти доимо ёдимга тушади.

Ўтган асрнинг етмишинчи йиллари ўрталари. Биз ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетининг талабалари, аммо баҳоликудрат катта-кичик мақолалар ёзиб, республика матбуотида у-бу нарсамиз чиқиб юрган пайтларимиз эди. Баъзида дарсдан кейин иш ўрганиш мақсадида газета, журналлар тахририятларига бориб турардик. Ўшанда энг жўшқин ижодий жамоалардан бири — «Гулистон» журнали ҳисобланар эди. Таниқли адиб Асқад Мухтор журналнинг бош муҳаррири, унинг атрофида Ваҳоб Рўзиматов, Маҳмуд Саъдий, Мурод Хидир, Эркин Аъзам каби иқтидорли адиблар аҳил оила бўлиб, бирлашишган эди. Журналнинг ҳар бир сони ижодий ходимларнинг баҳс, мунозара, тортишувлари билан тайёрланар, тахririни-ку қўйиб турайлик, матндаги ҳар бир сўзнинг қўлланилиши устида ҳам кескин мунозаралар бўлиб, баъзида бу баҳслар даҳанаки «жанг»га айланиб кетар эди. Аммо «Гулистон» ўша йиллари журналмисан журнал — уни ёшу-қари барча севиб ўқир эди. Чунки журнални журнал сифатида юксак ижодий чўққига олиб чиққан унинг ўта заҳматкаш, фидойи, ижодкор, билимдон, бир қарашдаёқ бирбирини тушунадиган аҳил жамоаси эди назаримда.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Бўлажак ижодкор журналистларни тайёрлаш борасида ҳам жиддий ўйлаб кўриш лозим бўлаяпти. Илгари журналистика касбига интилиб келган ёшлардан матбуотда босиб чиқарилган мақолалар талаб қилинар, албатта бу касбни эгаллашни ният қилган ёшлар ҳужжатларига ижод намуналарини ҳам қўшиб топширишар эди. Кейин ижодий имтиҳон вақтида суҳбат ва ёзма ишлар уюштирилиб, уларнинг ижодга лаёқати синаб кўрилар эди. Кейинги йилларда журналистика факультетига бирор-бир мақоласи ёки ижод намунаси бўлмаган абитуриентларнинг ҳужжатлари қабул қилинаяпти. Бу ҳақда гапирилганда, баъзи мутасаддилар: «Абитуриент истаса, танишбилишчилик қилиб, бир ҳафта ёки ўн кун ичидаёқ газеталарда ўнлаб мақолалар чиқартириши мумкин. Бу унинг ижодий қобилиятини тўлиқ белгилашга асос бўла олмайди», — дейишади. Балки шундайдир. Аммо бунинг ҳам йўлини топса бўлади: абитуриент ижоди, матбуотда чиқарган мақолаларининг даврийлигини ҳисобга олиш керак. Шунда унинг бу касбга неча йилдан буён қизиқиши маълум бўлади-қолади. Акс ҳолда факультетга «тасодифий» кириб қолганлар сони кўпайиб, сифат эса пасайиб кетаверади.

Яна бир мулоҳаза:

Журналист мутахассисларнинг ОАВдаги иш сифатини яхшилаш учун камида уч-тўрт йилда уларнинг малакасини ошириб бориш лозим. Пойтахт марказида малака оширишнинг йўл харажатлари, уларнинг катта шаҳарда вақтинча бўлса-да яшаб истиқомат қилишлари, транспортда юришлари анча-мунча сарф-харажатни талаб этиши табиий. Шу боис, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, ЎзМУ журналистика факультети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида вилоятларда оммавий ахборот воситаларининг бир ҳафта, ўн кунлик худудий малака ошириш курслари ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ҳар уч вилоят туман, шаҳар, вилоят оммавий ахборот воситалари ходимлари бир жойда тўпланиб, навбатма-навбат малака оширишса, улар анча-мунча янгиликлардан бохабар бўлиб, назарий ва амалий билимлари ошган, бу уларнинг келгуси ишлари, ижодий фаолиятларига катта фойда келтирган бўлур эди.

Журналист кадрлар тайёрлашда шубҳасиз фақат назарий билимлар эмас, амалиёт ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис журналистика факультетида ўқиётган талабаларнинг амалиётларига янада жиддийроқ эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳақда яқинда бўлиб ўтган республика ОАВлари раҳбарлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутасаддилари, ЎзМУ ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетлари профессор-ўқитувчилари иштирокида ўтган тадбирда ҳам ўринли таклифлар айтилганди.

Ҳа, маҳорат ҳар куни керак. Таъбир жоиз бўлса, ёзаётган ҳар бир мақоламизга минглаб муштарийлар эътиборсиз бўлмаслигини қалбан ҳис қилган ҳолда замондошларимизнинг эл-юрт фаровонлиги йўлида олиб бораётган ибратли ишлари, орзу-умидлари, мақсад-муддаоларини акс эттиришда ана шу маҳорат сирларидан унумли фойдаласак, асл мақсадимизга етган бўлар эдик.

Юсуфжон ҲАМДАМОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети доценти.

ЖАВОБ

Қарор ўзгаришсиз қолдирилди

"Hurriyat" газетасининг 2009 йил 8 апрелдаги 16-сонида чоп этилган "Абдулла Қобулов" фермер хўжалиги бошлиги А.Қобуловнинг "Ёлғондан ёқа ушладим..." сарлавҳали мақоласи Олий хўжалик судида ўрганиб чиқилди.

Ҳужжатлардан маълум бўлишича, 2008 йил 10 январдаги контрактация шартномасига асосан "Абдулла Қобулов" фермер хўжалиги 152 тонна пахта хом ашёсини давлат эҳтиёжи учун етказиб бериш, "Мустақиллик пахта тозалаш заводи" АЖ эса маҳсулотни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Фермер хўжалиги зиммасига олган мажбуриятини тўла бажармасдан, "Мустақиллик пахта тозалаш заводи" АЖга 25382,9 минг сўмлик 59 тонна пахта хомашёсини топширмаган. Шартноманинг 5.2-бандида хўжалик тайёрловчига топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима тўлаш жавобгарлиги назарда тутилган. Тошкент вилоят адлия бошқармаси "Мустақиллик пахта тозалаш заводи" АЖ манфаатини кўзлаб "Абдулла Қобулов" фермер хўжалигидан "Мустақиллик пахта тозалаш заводи" АЖ фойдасига 6345825 сўм миқдорида жарима ундиришни сўраб Тошкент вилоят хўжалик судига даъво аризаси берган.

Тошкент вилоят хўжалик судининг 2008 йил 10 ноябрдаги ажрими билан даъво аризаси иш юритиш учун қабул қилинган. Биринчи инстанция суди модий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаб, даъвони қаноатлантирган. Кассация инстанцияси суди эса асосли равишда ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 86-бандида туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари ваколатли давлат органларининг маълумотлари ва ахбороти асосида табиий офатлар ва бошқа ноқулай шарт-шароитлар оқибатида шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун хўжаликларни жавобгарликдан озод қилиш учун хулоса беришлари мумкинлиги белгиланган.

Контрактация шартномасининг 6.1-бандида ҳам табиий офатлар ва бошқа ноқулай шарт-шароитлар оқибатида хўжаликни жавобгарликдан озод қилиш учун туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг хулосаси асос бўлиши назарда тутилган. Фермер хўжалиги томонидан судга белгиланган тартибда расмийлаштирилган хулоса эмас, балки далолатнома тақдим этилган. Қолаверса, бу далолатномани тузишда "Мустақиллик пахта тозалаш заводи" АЖ вакиллари иштирок этмаган. Шу сабабли А.Қобулов томонидан судга тақдим этилган 2008 йил 24 майдаги 89-сон далолатнома инобатга олинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексида айрим сабабларга кўра белгиланган муддатда апелляция шикояти бериш имконияти йўқотилганда кассация шикояти бериш ҳуқуқи белгиланган. Бу суднинг ҳал қилув қароридан норози томоннинг ўзини ҳақ ёки ноҳақлигини исботлаши учун яна бир бор адолатни тиклаш учун берилган имкониятдир. А.Қобулов бу имкониятдан тўлиқ фойдаланган. Олий хўжалик суди кассация инстанцияси судлов ҳайъати А.Қобуловнинг важларини, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб, ишда иштирок этган бошқа шахсларнинг тушунтиришларини ва прокурорнинг фикрини эшитиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Иброҳим АЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди судлов таркиби раиси.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ҚИЛМИШ

ҚАЛЛОБЛАР ФОШ ЭТИЛДИ

Кўр кўрни қоронғида ҳам топади, деганлари бежиз эмас экан. Акс ҳолда, Қорақалпоғистоннинг Хўжайли машина бозоридек одам тумонат жойда айнан бир-бирига мос икки киши учрашиб, танишиб қолганига нима дейиш мумкин. Яна улар бир-бирига гўё узукнинг йўқолган кўзи ўрнига бошқаси қўйилгандек муносиб келганини айтмайсизми. Чунки текин даромад топиш илинжида юрган бу кимсаларнинг турмуш тарзи, ўй-хаёлидан тортиб то хуфиёна режаларигача, ҳамма-ҳаммаси тамомила ўхшаш эди. Шу сабаб Хўжайли шаҳрида яшовчи Аллаяр Ешимбетов билан нукуслик Марат Бекетаевнинг учрашуви оддийгина танишув билан бошланган бўлса-да, пировард натижада жиноий тил бириктириш билан якун топди.

Икковлон тузган режага кўра, ҳайдовчилик гувоҳномаси, автомашиналар техник паспорти, транспорт воситаларини вақтинча бошқариш учун ишонч қоғози каби ҳужжатларга зарурат сезиб турган мижозларни топиш, улардан буюртмани қабул қилиб олиш, тайёрланган ҳужжатларни «буюртмачиларга» етказиб бериш (аниқроғи, мўмай пулга сотишни) Аллаяр, керакли ҳужжатларни танишлари орқали тайёрлаб беришни эса Марат ўз зиммасига олди. Кўриниб турибдики, бу жараёнда А.Ешимбетов воситачилик, М.Бекетаев эса қалбаки ҳужжат тайёрловчи вазифасини бажарарди.

Кейинроқ жиноий гуруҳга Марат яна бир шахс – Урганч шаҳрида яшовчи Баҳодир Бабадиновни ҳам қўшди. Ёши 60 га яқинлашиб қолган бу шахс эски автомашиналарни таъмирлаб, сотиш билан шуғулланарди. Аввалига таъмирлаш учун бир-иккита арзон машина топиб берган Марат у билан яқин алоқа ўрнатиб олди. Беруний туманида яшовчи бир кишидан сотиб олган «Жигули» автомашинасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжат керак бўлганда ҳам Б. Бабадиновнинг мушкулини Марат енгил қилди. Ўшанда «Жигули»нинг техник паспортини олиб кетган М. Бекетаев 3-4 кундаёқ унинг қўлига Б.Эшмуратов номидаги ушбу машинани бошқариш ҳуқуқини берувчи ишонч қоғозини тутқазган эди. Албатта, М. Бекетаевнинг бу «холис хизмати» текинга эмас эди. Бунинг эвазига тез орада Б. Бабадинов ҳам жиноий гуруҳнинг фаол аъзосига айланди.

Қорақалпоғистон ИИВ қўзғатган жиноят иши доирасида олиб борилган тергов ҳаракатлари натижасида учовлон давлат муассасалари, хусусий нотариал идораларнинг қатъий ҳисобида турадиган ҳужжатлар бланкалари, муҳрлари, масъул шахсларнинг имзоларини сохталаштириш йўли билан фирибгарлик жиноятларини содир этиб келишгани аниқланди.

Масалан, М.Бекетаев, А. Ешимбетов ва Б. Бабадиновлар 2007 йилнинг декабрь ойида нотариал идоранинг қатъий ҳисобида турадиган AI № 039505 рақамли қалбаки бланкасига фуқаро А.Қалимбетов номидаги «Москвич -2140» русумли давлат белгиси 23 L 7110 рақамли автомашинасини Низомитдин ва Қуатбой Хожаевларнинг номларига 2010 йил 11 декабригача автомашина бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончнома бланкасини тўлдириб, нотариал идора ва Қорақалпоғистон ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (ЙҲХБ)нинг сохта муҳрлари билан тасдиқлаб, Н.Хожаевга 53 минг сўмга сотишган. Қалбаки ишончнома Нукус шаҳар хусусий нотариуси Калмуратов К.Б. томонидан расмийлаштирилгани қайд этилган. Аслини олганда эса Нукус шаҳрида бундай нотариус ҳам, табиийки унинг идораси ҳам умуман фаолият юритмаган. Шунга қарамай, 6 та жиноий эпизодда транспорт бошқариш ҳуқуқини берувчи қалбаки ишончномалар айнан ана шу номи бор-у, ўзи йўқ нотариус томонидан расмийлаштирилгани ўз исботини топди.

Фирибгарлар гуруҳи фуқароларга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи қалбаки ишончномалар расмийлаштириш йўли билан ҳам анча-мунча текин даромадни ҳамёнга уришган. Жумладан, 2008 йилнинг февраль ойида фуқаро Рустам Сейтназаров номига ҚР ИИВ ЙҲХБ қатъий ҳисобидаги ҳужжатлар, яъни AAB № 0505302 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси бланкасига ва унинг УзЕ № 0195185 рақамли талони ва нотариал идоранинг қатъий ҳисобидаги ҳужжат AI № 039505 QR рақамли қалбаки ишончнома бланкасига фуқаро Баҳодир Утепбергенов номидаги «Тико» русумли давлат белгиси 23 L 2727 автомашинасини 2010 йил 11 июнигача бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончнома бланкасига қайд этиб, Ash № 001317 сонли шартнома бланкасини расмийлаштириб, қалбаки муҳрлар билан тасдиқлаб Р.Сейтназаровга 160 минг сўмга сотишган.

Бундан ташқари жиноятчилар 2008 йил март ойида фуқаро Мелс Халканов номидаги давлат белгиси 23 B 4473 рақамли бўлган «ЗИЛ-130» русумли автомашинасини Марат Жумамуратов номига 2009 йил 11 октябригача бошқариш ҳуқуқини берувчи нотариал идора қатъий ҳисобидаги AI № 005055 рақамли қалбаки бланкасига расмийлаштириб, қалбаки муҳрлар билан тасдиқлаб беришган.

Шунингдек, жиноий гуруҳ томонидан Урганч шаҳрида яшовчи Ойбек исмли йигитга «B», «C», «D» тоифали қалбаки ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириб бериб, унинг 100 минг сўм пулини олишгани ҳам аниқланди.

Тергов жараёнида жиноий гуруҳ томонидан умуман ҳужжатсиз транспорт воситаларига ҳам қалбаки ҳужжатлар расмийлаштириб келингани маълум бўлди. Масалан, улар тергов жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган Давлат исмли шахснинг «ВАЗ-210430» русумли биронбир ҳужжатсиз автомашинасини ЙҲХБ қатъий ҳисобидаги AAA № 1240265 рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси бланкасини, 23 D 9547 давлат белгисини сохта штамп ва муҳрлар билан қалбакилаштириб, фуқаро Эргаш Амедовга 500 минг сўмга пуллаб юборишган. Ана шу тариқа борган сайин жиноий шерикларнинг тажрибаси ҳам, топаётган мўмай даромади ҳам кўпайиб борди.

Қаллоблар шу қадар ҳаддиларидан ошдиларки, ҳатто аллақачон оламдан ўтган мархумларнинг ҳужжатини ҳам бошқа бир фуқароларга «тўғрилаб» беришгача боришди. Улар Хива туманида истиқомат қилиб, 2007 йилда вафот этган М.Бекчановнинг фуқаролик паспортига бошқа шахснинг фотосуратини ёпиштириб беришгани тергов жараёнида аниқланди.

Вазмингина жиноят иши саҳифаларида жиноятчилар томонидан содир этилган бу каби қилмишлардан анчагинаси ҳужжатлаштирилган. Яхшики, фирибгарлар гуруҳининг кирдикорларидан хабар топган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари уларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйдилар. Йўқса, улар яна анча-мунча соддадил фуқароларнинг ҳамёнини «енгиллатишга» улгуришар эди. Ҳа-ҳа, бу оддий бир тахмин эмас, балки фактларга асосланган гап. Чунки жиноий гуруҳ аъзоларининг яшаш жойларида ўтказилган тинтувлар натижасида олинган кўпдан-кўп хилма-хил ашёвий далиллар ана шундан далолат бериб турибди.

Улар орасида 25 та ҳайдовчилик гувоҳномаси талонлари, 16 та ҳайдовчилик гувоҳномалари, 8 та транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномалари, Ж.Алашов, Р.Авезов, Ф.Бекжанов каби фуқароларга расмийлаштирилган ҳайдовчилик имтиҳони варақалари, нотариал идораларнинг қатъий ҳисобида турадиган 13 та ишончнома, 6 та шартнома бланкалари, суратлари қалбакилаштирилган 3 та фуқаролик паспортлари, ЙҲХБ бўлинмаларининг бланкалари, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Хўжайли туман мудофаа ишлари бўлимининг гербли думалоқ муҳри, автомашиналарнинг 25 дона давлат рақамлари ёзилган номерлар, у ёқ-бу ёғи кесилган автомашина номерлари, автомашина темир биркалари кабилар бор эди. Ушбу жиноят ишини тергов қилиш жараёнида фирибгарлар гуруҳи томонидан давлатга 2 миллион 390 минг сўмликдан зиёд моддий зарар етказилгани аниқланди.

Суд техник тадқиқот экспертизаси хулосасига кўра, жиноятчилардан мусодара этилиб, ашёвий далил сифатида жиноят ишига қўшилган ҳужжатлар, бланкалар рангли принтердан чиқариб, муҳрлар эса аслига ўхшатиб полимер материалдан эритиб қуйиш усули билан тайёрланган бўлиб, фабрика технологияси асосида ишлаб чиқарилмаган.

Жиноят ишининг тергов жараёнида шахсини аниқлаш мумкин бўлмаган Ойбек, Давлат деган кимсалар ва бошқа шахсларга (жами 18 киши) тегишли қисми алоҳида иш юритувига ажратилди. Шунингдек, фуқаролар К.Нуруллаев, С.Бекетаев, М.Кошниязов ва А.Жумамуратовларнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлмагани учун жиноят ишининг уларга тегишли қисми ҳаракатдан тўхтатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг ҳукмига кўра судланувчи Баҳодир Бабадинов фирибгарлик, ҳужжатлар, муҳрлар, штамплар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш, ҳужжатнинг қалбаки эканини била туриб, ундан фойдаланиш каби жиноятларни содир этганликда айбдор, деб топилди ва 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Унинг жиноий шериги Аллаяр Ешимбетов ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган жиноятларга қўл урганликда айбдор деб топилди. Шу билан бирга А.Ешимбетов II гуруҳ муддатсиз ногирон эканини эътиборга олиб, Олий Мажлис Сенати томонидан эълон қилинган амнистияга мувофиқ жазодан озод қилинди.

Тергов жараёнида М. Бекетаевга судга оид психиатрия экспертизаси тайинланди. Унинг хулосасига кўра, М. Бекетаев «шизофрения» руҳий касаллигига чалинган бўлиб, ўзи содир этган ҳаракатларга жавоб бера олмайдиган ва ўзини ўзи бошқара олмайдиган ҳолатда бўлгани сабабли у махсус руҳий шифохонада мажбурий даволанишга муҳтож экани аниқланибди. Қаранг, бир эмас, икки кишини ўз йўриғига юргизиб, анча-мунча одамларни лақиллатиб, уларнинг маблағини усталик билан чўнтагига жойлаб олган шахс «ўзини ўзи бошқара олмайдиган ҳолатда» экан...

Лекин ҳар нима бўлганда ҳам М. Бекетаев ва унинг шериклари фирибгарлик, ҳужжатларни қалбакилаштириш каби жиноятларни содир этгани эл-юртга ошкор бўлди. Бу эса ўз-ўзидан уларнинг ҳалол-пок инсонлар қаторида ўз ўрнини йўқотиб қўйишганидан далолат бериб турибди. Инсон учун эл назаридан қолиш, атрофдагилар ишончидан маҳрум бўлишдан ҳам оғирроқ жазо бўлмаса керак.

К.ҚОДИРОВ

ЯНА БИР ГРИПП БАЛОСИ

Бугун бутун дунёга чўчқа гриппи хавф солмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Марказий Америкада, тўғрироғи, Мексикада бошланган бу грипп тури жуда оз фурсатда жаҳон бўйлаб тарқалиши мумкин. Хабарларда айтилишича, Мексикада ушбу грипп оқибатида 150 нафардан кўпроқ киши вафот этган. Бу касаллик билан оғриган беморлар АҚШ ва бошқа мамлакатларда ҳам учрамоқда.

Чўчқа гриппи тарқалиши муносабати билан дунёнинг кўпгина мамлакатларида жиддий эҳтиёт чоралари кўрилмоқда. Жаҳондаги кўплаб шаҳарлар аэропортларида назорат постлари ўрнатилган. Марказий Америка мамлакатларидан келаётган йўловчилар текширувдан ўтказилаяпти. Сўнгги хабарларга қараганда, чўчқа гриппи билан оғриган беморлар Европа ва Осиё мамлакатларида ҳам учрамоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти матахассисларининг таъкидлашича, ушбу грипп вируси одамдан одамга юқади. Шунинг учун у жуда хавфли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

КУТИЛМАГАН ПАРВОЗ

Душанба куни Нью-Йорк аҳолиси яна қўрқувга тушди. Гап шундаки, президент Барак Обаманинг самолёти икки қўриқчи ҳарбий самолёт ҳамроҳлигида Манхеттен устидан жуда паст учиб ўтди. Бу ҳолатни кузатган шаҳар аҳолиси 2001 йилнинг 11 сентябрини эслашди ва шошилинч равишда иш жойларини ташлаб, қоча бошлашди.

Маълумотларга қараганда, самолётда президент бўлмаган. Ўша куни Оқ уй раҳбарининг самолёти суратга туширилган. Бу ҳақда тегишли ташкилотлар вақтида огоҳлантирилган. Шаҳар мэри Майкл Блумберг бу маълумотни рад этди. Унинг таъкидлашича, самолётнинг парвози ҳақида ҳеч ким огоҳлантирилмаган. Шунинг учун президентнинг ҳимояси билан шуғулланадиган махсус хизмат ходимлари шаҳар аҳолисидан кечирим сўради.

СИНОВДАН ЎТМАДИ

Россиянинг энг янги ҳарбий самолёти Су-35-4 синов пайтида портлаб кетди. Бу ҳақда «Взгляд» газетаси хабар тарқатди. Ахборотда айтилишича, заводдан чиққан яп-янги самолёт 26 апрель куни Комсомольск-Амур шаҳридаги ҳарбий аэродромга олиб келинган эди. Самолёт учиш йўлагида нимагадир урилиб, портлаб кетган. Синовни амалга ошираётган учувчи Евгений Фролов машинадан сакрашга улгурган.



Хабарда самолёт нимага урилгани ҳақида ҳеч нарса айтилмаган. Су-35-4 синов учун тайёрланган энг янги тўрт самолётнинг биттаси эди. Ҳаво лайнерининг биринчи синови 2008 йилнинг бошида муваффақиятли якунланганди. Ушбу самолётни ишлаб чиқариш йўлга қўйилгач, аввал Россия ҳарбий ҳаво кучларига, кейинроқ эса Жанубий-Шарқий Осиё, Африка, Яқин Шарқ ва Жанубий Америка мамлакатларига ҳам сотиш режалаштирилган.

ЛАВОЗИМИДАН БЎШАТИЛДИ

Қирғизистон президенти Курманбек Бакиев Чуй вилоятининг Москва тумани раҳбарлари — туман маъмурияти ва ички ишлар бўлими бошлиқларини, прокурорни лавозимидан бўшатди. Бунга 26 апрель куни Петровка қишлоғида юз берган оммавий жанжал сабаб бўлди.

Ўша куни қишлоқда яшовчи қирғиз ва рус миллатига мансуб одамлар шу ерда яшовчи курд миллатига мансуб кишилар билан муштлашишган. Тўполон натижасида бир неча уйларнинг ойналари синган, икки автомашина ёқиб юборилган. Оммавий тўполонни мамлакат ИИВ махсус бўлинмаси келиб тўхтатган. Хабарларга қараганда, президент бош прокурор ва ички ишлар вазирига тезлик билан вазиятни ўрганиш ва тегишли чоралар кўришни топширган.

ДАРАКЛАР

ХОРИЖЛИК МАСЛАҲАТЧИ

Украина хавфсизлик хизмати раиси Валентин Наливайченко Буюк Британия махсус хизматининг собиқ ходими Брижит Остинни ўзига маслаҳатчи этиб тайинлади. Бу ҳақда хабар берган «Україньскі Новини»нинг ёзишича, Остин Украина махсус хизматининг фуқаролик-демократик йўналишини назорат қилади.

Журналистларнинг «Бу лавозимга нима учун айнан чет эл фуқароси тайинланди», деган саволига Наливайченко жавоб бермаган.

ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ВА МУСИҚА

Жаҳон иқтисодий инқирози нафақат йирик компанияларнинг, балки жаҳонга машҳур мусиқачиларнинг чўнтагига ҳам каттагина зарар келтирмоқда. Масалан, The Times газетасининг ёзишича, Элтон Жон 2008 йилда 235 миллион фунт стерлинглик бойлигининг 26 фоизини йўқотган. Яна бир машҳур мусиқачи Том Жонснинг бойлиги ўтган йил бошида 170 миллион фунт деб баҳоланган эди. Йил давомида у ўз пулларининг 24 фоизидан ажралди. Бундан ташқари, Pop Idol гуруҳи ташкилотчиси Саймон Фуллер ҳам бир йилда 450 миллион долларлик бойлигининг учдан бирини бой берди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

АДЛИЯ ИДОРАЛАРИДА

Ноқонуний жарималар бекор қилинди

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида бирмунча ишлар амалга оширилаяпти. Шуни айтиш жоизки, бошқармага вилоят ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларидан жорий йилнинг I чорагида 18 та ариза келиб тушди ва "Ишонч телефони"га 26 марта мурожаатлар бўлди. Уларнинг барчаси қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилди.

Масалан, Наманган шаҳридаги "Наргиз ШАШ" МЧЖ раҳбари Ш.Шарипов "Ишонч телефони"га мурожаат этиб, Наманган шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан қўйилган молиявий жаримадан норозилигини билдирди. Масала жойида ўрганилганда, инспекция томонидан Президентимизнинг 2005 йилдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони талаблари бузилгани маълум бўлди. Шундан сўнг адлия бошқармаси жамиятда ўтказилган текшириш ҳужжатларини кўриб чиқишда Солиқ кодексининг 102, 104-моддалари талабига риоя қилинмагани учун жамиятга нисбатан 2008 йил 25 август куни 620.550 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш ҳақида қабул қилинган қарорни бекор қилиш бўйича вилоят Давлат солиқ бошқармасига тақдимнома киритди.

Бошқармамизда солиқ идораларида тадбиркорлик субъектларидан ҳисоботларнинг қабул қилиниши мунтазам ўрганиб борилмоқда. Афсуски, айрим ҳолларда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилиши давом этаётгани маълум бўлмоқда. Масалан, Косонсой тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан "Косонсой газ сервис" МЧЖнинг 2008 йил 2-чорак ҳисоботлари билан бирга корхона тўғрисидаги маълумотнома ортиқча олингани аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича инспекция бошлиғи номига тақдимнома киритилди. Натижада инспекция ходимлари Т.Бозоров, И.Парпихўжаев ва Б.Ҳасановлар интизомий жазога тортилдилар.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини назорат органлари томонидан текширилишига эътибор қаратадиган бўлсак, биргина Учқўрғон туман ветеринария бўлими ходимлари томонидан 7 та ҳолатда амалдаги қонунчилик талаблари бузилгани аниқланди. Хусусан, ҳуқуқий кенгашнинг рухсати бўлмай туриб, туман ветеринария бўлими бошлиғи Ў.Сайдуллаев ва бошқа ходимлар томонидан 2008 йил 21 май куни хусусий тадбиркорлар Х.Нормирзаев ва Б.Шодмонов, 2008 йил 8 июль куни хусусий тадбиркор О.Ҳакимов, 2008 йил 25 сентябрь куни хусусий тадбиркор Ж.Абакахунов, 2008 йил 26 сентябрь куни хусусий тадбиркор А.Юсуповнинг фаолияти "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонун талабларига зид равишда текширилиб, тадбиркорлик субъектларига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар расмийлаштирилган ва уларга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилди. Ушбу ноқонуний ҳолатлар юзасидан судга даъво аризалари киритилди.

Назорат органлари ва ҳокимликлар томонидан юқоридаги каби ҳолатлар бошқа тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳам такрорлангани боис адлия бошқармаси томонидан жами 45 та тақдимнома киритилди ва 56 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб, судларга 20 та жами 66 миллион 466 минг 954 сўмлик даъво аризалари киритилди.

Тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишига юқоридаги каби ҳолатлар салбий таъсир кўрсатмай қолмайди, абатта. Шу сабабли давлатимиз томонидан улар учун амалдаги қонунчилик асосида яратилган ҳуқуқий ҳимоя тизими келгусида ҳам хусусий секторнинг янада ривожланишига туртки бўлиб хизмат қилиши, бу борада адлия идоралари томонидан уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, қолаверса, бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тегишли вазифалар ўз вақтида амалга ошириб борилиши давр талабидир.

Алижон ОЧИЛОВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи.

ФАОЛИЯТ

"АГРОБАНК" фаровонлик ва тараққиётга хизмат қилади

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳаларида бўлгани каби банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам ўз самарасини бераяпти. Республикамизда фаолият юритаётган молиявий муассасалар халқ фаровонлигига хизмат қилиб, аҳоли турмуш даражасининг юксалишида муҳим омил бўлаётир. Бунда "Пахтабанк" ОАТБнинг ҳам ўрни катта. Жорий йилнинг 30 мартида давлатимиз раҳбарининг "Агробанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига биноан ОАТБ "Агробанк"га айлантирилган ОАТБ "Пахтабанк" бугун том маънода янгиланган молиявий муассаса сифатида жаҳон молиявий инқирози шароитида корхона ва компанияларни молиявий қўллаб-қувватлаш, пахта, дон, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлашга йўналтирилган аграр соҳа корхоналарининг ишончли ҳамкори сифатида эътироф этилмоқда.

Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Хусусан, молиявий муассасанинг ўтган йили қўлга киритган юксак натижаларига кўз ташласак, бу янада ойдинлашади. Жумладан, банкнинг молиявий барқарорлиги янада мустаҳкамланиши натижасида 2008 йилнинг 11 августида Fitch Ratings халқаро рейтинг компанияси унга "Барқарор" тоифадаги тўлиқ рейтингни берди. Бу хорижий инвестицияларни жалб қилишда, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда чуқурлаштиришда янги имкониятларни очишига шубҳа йўқ.

Ўтган йили "Пахтабанк" ОАТБ, яъни "Агробанк" ОАТБ халқаро даражада эътироф этилган "The Banker" журнали томонидан ўтказилган конкурсда ҳам ғолиб чиқди ва "Йил банки — 2008" сертификатига сазовор бўлди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси «Ахбор-Рейтинг» компанияси томонидан кредит рейтинггининг миллий шкаласи бўйича «UZAQ» рейтинги тасдиқланди ва унга кўра мазкур молиявий муассасанинг юқори даражали кредит тўловига лаёқатлилиги ҳамда кредит таваккалчилигининг паст даражаси белгиланди.

Президентимизнинг "Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк томонидан банкларароо танлов ўтказилганди. Унда "Агробанк" ОАТБ "Энг яхши эмитент банк" номинацияси бўйича ғолиблиқни қўлга киритди. Шу билан бирга танловда аҳоли омонатларининг қолдиғи ҳамда омонатчилар сонининг ўсиши, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга қабул қилиш ишларининг сифатли даражада экани, аҳоли ўртасида реклама ва тарғибот ишларининг яхши йўлга қўйилгани ва мижозларга хизмат кўрсатиш учун барча қулайликлар яратилгани учун "Қишлоқ жойларидаги аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банк филиали" номинацияси бўйича банкнинг Чуст тумани филиали 1-ўринни олди. Албатта, юқорида қайд этиб ўтилган ютуқларга молиявий муассаса акциядорлари ва мижозлари ўртасидаги ўзаро ишонч эвазига эришилди. Буни ўтган йилда банкнинг капиталлашув даражасини ошириш ва ресурс базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилгани боис банк капитали 131 миллиард 233 миллион сўмни ташкил этганидан ҳам билса бўлади. Шунингдек, молиявий муассасанинг ликвидлилик ҳамда ишончлилик кўрсаткичи мақбул даражада экани банк айланмасига салмоқли маблағларни жалб қилиш имкониятларини берди. Натижада молиявий муассасанинг ресурс базаси 806,9 миллиард сўмга етди.

Нуфузли жамғармалар ва халқаро молия ташкилотлари кредитларининг жалб этилиши, маблағларни йирик инвестицион лойиҳаларга йўналтириш ҳажмларининг ўстирилиши туфайли банкнинг ресурс базасида жалб қилинган мақсадли кредит ресурслари 183,8 миллиард сўмга ўсди. Жами активлари (нетто) 959,6 миллиард сўмни, шу жумладан даромад келтирадиган активлар 735,4 миллиард сўмни, даромад келтирмайдиган активлар эса 224,2 миллиард сўмни ташкил этди.

ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР ОММАЛАШМОҚДА

Республикамиз Президентининг "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва "Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, фуқароларнинг банкларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш ҳамда бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш борасида жисмоний шахсларнинг омонатлари, айниқса, уларнинг хорижий банклардаги шахсий ҳисобварақларидан мамлакатимиз банкларидаги ҳисобварақларга кўчириладиган пул маблағларининг миқдорини кўпайтиришга қаратилган янги омонат турлари жорий қилинди. Шу мақсадда ўтган йилда 18 та янги омонат тури жорий этилди ва омонат турлари сони жами 23 тага етказилди.

Олиб борилган тарғибот ишлари натижасида аҳолининг молиявий муассасага жалб этилган жамғарма ва муддатли омонатлари қолдиғи 158,2 миллиард сўмни ташкил этди. Мижозлар ўртасида 812 минг 565 та пластик карточкалар жойлаштирилиб, уларга 256.1 миллиард сўм маблағ қўйилди. Шу кунга қадар 20 та банкомат, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 5248 та терминал ўрнатилиб, улар орқали амалга оширилган жами айланма маблағ 153,1 миллиард сўмни ташкил қилди. Шундан нақд пулсиз ҳисобкитоблар айланмаси 94,9 миллиард сўмга етган. Мижозларга берилган пластик карточкалар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 197 мингтага, электрон ҳамёнлардаги қолдиқ маблағ 19,6 миллиард сўмга, жалб қилинган маблағ миқдори эса 133,7 миллиард сўмга ортди. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган савдо терминаллари орқали амалга оширилган савдо айланмаси 50,9 миллиард сўмга кўпайди.

(Давоми 8-бетда.)

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

"АСАКА" БАНК: мижозлар манфаати устувор

Бугун жаҳондаги кўплаб мамлакатларда иқтисодий инқироз туфайли айрим компания ва фирмалар ўз фаолиятини тўхтатмоқда ёки маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳамда ишчилар сонини қисқартирмоқда. Лекин юртимиз иқтисодиётида узоқни кўзлаб юритилаётган сиёсат туфайли бундай ҳолатларга дуч келинмаяпти. Иқтисодиётимизда ўсиш кўзга ташланаяпти. Буни барча соҳаларда кўриш мумкин.

Мамлакатимиз молия тизимида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар аввало, давлатимиз иқтисодий қудратини янада юксалтиришга ва фуқароларимизнинг фаровонлигини оширишга қаратилгандир. "Асака" давлат акциядорлик тижорат банки жамоаси ҳам ана шундай хайрли ишларда фаол иштирок этиб, ўзининг салмоқли улушини қўшиб келаяпти. Буни банк фаолиятининг барча соҳаларида кўриш мумкин.

Хусусан, молиявий муассасанинг Тошкент шаҳрида жойлашган Автотранспорт филиали жамоаси фаолияти билан танишганимизда яққол гувоҳи бўлдик. Банк халқ хўжалигининг барча тармоқларида иш юритаётган мижозларига малакали хизмат кўрсатиш борабарида, замонавий техника ва технологиялар жорий этилиб, мижозларга барча турдаги хизматлар таклиф этилаяпти. Натижада мижозлар сони ошиб бораётир. Масалан, бугунги кунда уларнинг сони 577 тани ташкил қилади. Молиявий муассаса фаолиятида Президентимиз фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари дастур вазифасини ўтамоқда.

Филиал ташкил этилганда унга мамлакатимиздаги автомобиль ва транспорт соҳасига молиявий хизмат кўрсатиш асосий вазифа этиб қўйилганди. Айни пайтда нафақат мазкур тизимга, балки халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларига ҳам хизмат кўрсатаяпти. Демак, ўтган даврда банк филиали юртимиз молия бозорида ўз ўрнини топди. Мижозларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш, уларга қулайликлар яратиш мақсадида муайян ишлар амалга оширилаётир. Масалан, корпоратив мижозларга сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида қўшимча зарур хизмат кўрсатиш билан

бирга комплекс хизмат кўрсатадиган бўлим ташкил этилди. Айни пайтда мазкур бўлим хизматидан филиалнинг 10 фоиздан ортиқ мижозлари фойдаланади. Ушбу мижозларнинг пул айланмаси барча мижозлар пул айланмасининг 30 фоизини ташкил этади. Бундан ташқари "Банк –мижоз" тизими бўйича 55та, "SMS – банк" бўйича 70 та хўжалик субъектига хизмат кўрсатилаяпти.

Банк филиали маҳаллий хомашёни қайта ишлаш, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаш, қишлоқ жойларда инфратузилма ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришни режалаштирган ҳолда ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган, атроф-муҳит ўзгаришига салбий таъсири бўлмаган, қўшимча иш жойларини яратиш учун мўлжалланган лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор бермоқда. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларни молиялашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг асосий йўналиши деб эътироф этилган ушбу соҳани ривожлантиришга Автотранспорт филиали "Асака" банкнинг ўз кредит сиёсатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторига қўшимча миқдорда кредит маблағлари йўналтиришни белгилади. Шунингдек, банк томонидан импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кредит маблағлари ажратилди.

Молиявий муассасанинг ўтган йилдаги фаолиятига назар ташлайлик. Банкнинг кредит портфели 71 миллиард 760 миллион 100 минг сўмни ташкил қилди. Мазкур маблағнинг 76,05 фоизи миллий валютада бўлса, қолган қисми эса хориж валютасини ташкил қилди. Ажратилган маблағлар автокредитларга, овердрафтга, истеъмол, таълим ва ипотека йўналишларига йўналтирилди. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатаётган 33 та субъектга 21 миллиард 557,7 миллион сўм миқдорида кредит берилди. Яна алоҳида таъкидлаш лозимки, ажратилган маблағларнинг асосий қисми узоқ муддатли кредитлар ҳисобланади. 5 та лойиҳага эса хорижий валютада кредит ажратилди. Қайд этиш жоиз, филиалда 15,3 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлаш жамғармаси ташкил этилди.

Банкдан кредит олиб, иқтисодиётини мустаҳкамлаб олаётган ва ўнлаб иш ўринлари яратаётган корхоналар кўп. Масалан, ''DOLORES TRAVEL SERVICES'' масъулияти чекланган жамиятига 415 740 АҚШ доллари миқдорида кредит маблағи ажратилди. Бу корхонага 30 миллион 733, 19 минг сўмлик хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш имконини берди ва яна 10 та иш ўрни яратилди.

Полипропилен қоплари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Тарим импорт Экспорт" қўшма корхонасига қисқа муддатга 150 миллион сўм кредит берилган эди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати ошди ва 20 та иш ўрни яратилди. "Agrif Tashkent" масъулияти чекланган жамиятига дори воситалари тайёрлаш учун 23 миллион 700 минг сўм миқдорида кредит берилганди. Ажратилган маблағ ўз самарасини берди. Маҳсулот ишлаб чиқариш 20 миллион 854 минг сўм миқдорида ошди, шу билан бирга 5 та иш ўрни ташкил этилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, ажратилаётган кредит маблағларидан самарали фойдаланилаётгани туфайли белгиланган натижага эришилаяпти.

"Асака" банк 1999 йилнинг май ойидан бошлаб ўз сўм пластик карточкаларини муомалага чиқара бошлаганди. Ҳозир пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни автоматлаштирилган тизими ТИФ Миллий банки, Халқ банки, Агро ва Ипотека банклари билан банклараро ҳисоб-китоб марказининг пластик карточкалар тизимига бириктирилган.

Автотранспорт филиалида ҳам банкнинг пластик карточкаларини олган фуқаролар сони кўпаймоқда. Масалан, ўтган йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 10279 киши пластик карточка эгаси бўлган бўлса, йилнинг охирига келиб бу кўрсаткич 16406 тани ташкил қилди. Хусусан, иш ҳақи бўйича 331 лойиҳа бўлган ва 108 та савдо терминали мавжуд бўлган бўлса, йил якунига келиб уларнинг сони янада кўпайди. Бу борада мамлакатимиз Президентининг "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори асосида иш олиб борилаяпти.

Шу билан бирга, банкнинг республика бош бошқармаси томонидан Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари билан биргаликда пластик карточкаларни муомалага чиқариш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда мазкур банк тизимида миллий валютадаги пластик карточкалар билан бирга Master ва Maestro Card русумидаги халқаро пластик карточкаларга ҳам хизмат кўрсатиш жорий этилган. Масалан, ўтган йили 204 дона ана шундай карточкага хизмат кўрсатилган бўлса, айни пайтда уларнинг сони 2104 тани ташкил қилмоқда. Демак, йил дамомида уларнинг сони 1900 тага кўпайган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини янада қисқартиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"-ги қарори бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, Автотранспорт филиалида фуқароларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаётганининг шоҳиди бўлиш мумкин. Одамларга манфаатли, жозибадор омонат турлари ҳам миллий, ҳам хорижий валютада жорий этилган. Бу фуқароларнинг банкка бўлган ишончини ортишига сабаб бўлмоқда. Энг муҳими, омонатларга ўз маблағларини қўювчилар сони кўпайиб бормоқда. Бундан ташқари, аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилувчи 7 та жамғарма кассаси ҳам фаолият кўрсатаяпти. Ана шу ишларни амалга оширишда мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либерлаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармони айни муддао бўлмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам банкнинг Автотранспорт филиали барқарор иш юритди. Молиявий муассасанинг 3 та мини банки мавжуд бўлиб, мазкур мўъжаз шохобчаларда ҳам барча банк амалиётлари амалга оширилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давом эттирилмоқда. Масалан, ўтган йили мазкур соҳага 21,5 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 5 миллиард 191 миллион сўмни ташкил қилди. Улар савдо, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилди. Умуман, кредит қўйилмалари миқдори 86 миллиард 100 миллион сўмни, шундан хорижий валютадаги қисми эса 15 миллиард 600 миллион сўмни ташкил этади.

Молиявий муассаса кредитлари мулк шаклидан қатъи назар халқ хўжалигининг барча тармоқларида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларга йўналтирилмоқда. Хусусан, банк савдони ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Умуман кейинги йилларда мазкур соҳага ажратилган кредит маблағлари 13 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз молия соҳасида ўз мавқеига эга бўлган "Асака" банк изчил ривожланаётган йирик кредит институти сифатида ташқи ва ички бозорда етакчи ўринларни эгаллаш бўйича аниқ белгиланган стратегик дастур асосида фаолият юритмоқда. Асосий эътибор банк молиявий қудратини оширишга, мижозларга турли хизматларини таклиф этган ҳолда юқори даражада хизмат кўрсатишга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этишга қаратилмоқда.

Умуман "Асака" банк мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари билан узвий ва чамбарчас боғланган ҳолда ривожланиб бораяпти. Натижада барча йўналишлар бўйича бир қатор муваффақиятларга эришилмоқда. Қўлга киритилган ютуқларнинг асосий негизи банк амалиётларида замонавий техника ва технологияларнинг жорий этилишида, мижозларга тақдим этилаётган банк маҳсулотлари ва хизматларининг кенг кўламлиги ҳамда юқори сифатлилиги омил бўлмоқда. Шунингдек, банк мутахассисларининг чуқур



билими ва тажрибаси ҳам қўл келмоқда.

Ҳамкорлик йўналишлари кўламини кенгайтирган ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаган ҳолда молиявий муассаса ўз вакиллик тармоғини ҳам мунтазам равишда кенгайтириб бормоқда. Ҳозир "Асака" банк жаҳоннинг 290 та етакчи хорижий банклари билан вакиллик муносабатларини ўрнатган. Энг йирик хорижий молиявий муассасалардаги вакиллик ҳисоб варақлари тармоғи орқали "Асака" банк жаҳоннинг асосий молиявий марказларида ўзининг иштирокини таъминлади. Айни пайтда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Австрия, Япония, Голландия, Швейцария ва Жанубий Кореянинг етакчи банклари билан вакиллик муносабатлари мавжуд.

Ҳисоб-китобларнинг сифати, тезлиги ва ишончлилигини кафолатлаган ва бошқа банклар билан муносабатларнинг ривожланишига яқиндан ёндошган ҳолда банк доимий тарзда ички ҳамда халқаро бозорларда ўз мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда.

Жаҳоннинг молиявий ташкилотлари билан муносабатларни ривожлантириш банк фаолиятининг анъанавий устувор йўналишларидан биридир. Бунда инвестицион лойиҳаларни узоқ ва қисқа муддатли молиялаштириш соҳасидаги ҳамкорлик, савдо операцияларини қисқа муддатли молиялаштириш, банк фаолиятининг турли масалалари бўйича ахборотлар ва тажриба алмашиш, касб-таълим дастурларида иштирок этиш алоҳида ўрин эгаллайди, албатта.

Ходимлар малакасини мунтазам равишда ошириб бориш, истеъдодли ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш ва уларни раҳбарлик лавозимларига кўтариш, ходимларни фаолият натижаларига мувофиқ рағбатлантириш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш банк кадрлар сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Айни пайтда Автотранспорт филиалида 30 ёшгача бўлган кадрлар 92 нафарни ташкил этади. Уларнинг асосий қисми олий маълумотли ходимлар ҳисобланади. Ҳозир уларнинг малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Масалан, ҳозиргача 2 на-

фар мутахассис Банк-молия академиясини битирди. 47 нафар ходим эса ўқув марказларида ўз малакасини оширди.

Умуман, "Асака" банк жамоаси жаҳоннинг етакчи мамлакатлари банкларининг илғор тажрибаси, молиявий хизматлар ва замонавий технологияларни ўзлаштириш учун мунтазам равишда изланиб келмоқда. Бу табиийки, банк олдида турган масъулиятли вазифалар ва унинг молиявий қудратини янада юқори даражага кўтариш муносабатлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Бугун дунёда иқтисодий кризис туфайли ривожланган давлатлар, шу жумладан, МДҲ давлатларида банкларнинг рейтинг кўрсаткичлари пасаяётган бир пайтда, халқаро рейтинг агентликлари томонидан мамлакатимиз банк тизимига, хусусан "Асака" банкнинг фаолияти жаҳонда энг нуфузли ҳисобланган "FITCH RATINGS" халқаро рейтинг агентлиги томонидан юқори баҳоланганлиги юртимиздаги банк-молия тизимининг барқарорлигидан далолат беради.

Бугунги кунда банкнинг асосий стратегик мақсадларидан бири — аҳолига молиявий хизмат турлари кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, қолаверса, республикамиздаги муҳим вазифалардан бири – инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш ҳисобланади.

Ҳосил КАРИМОВ ®

Суратларда: "Асака" банкнинг Автотранспорт филиали фаолиятидан лавҳалар.
Суратларни Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган.

МАЪНАВИЯТ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР

МОҲИР ТАРЖИМОН САБОҚЛАРИ

Дарёлар қўшилиб денгиз бўлади, денгизлар туташиб океанларга айланади. Таржима, таржимачиликнинг моҳияти ва аҳамияти ҳам шунга ўхшайди. Зеро, таржиманинг асл мақсади — сиёсий ва илмий нутқлар, адабий асарлар, муомалалар ва ҳужжатлар, маълумотларнинг бошқа тил соҳибларига тўла тушунарли бўлиши орқали ранг-баранг инсоният маданиятларининг ўзаро яқинлашувидан иборатдир.

Таржима туфайли маълум бир халққа дахлдор маданият, маърифат, тарих, сиёсат, ижтимоий ҳаёт, адабиёт ва санъат, техника янгиликлари бошқа тилларда сўзлашувчи халқлар учун ҳам таниш бўлади. Шу билан бирга, бошқа тил ёки тилларда аслият билан тенг мазмун-моҳиятга, тенг ҳаққа, тенг ҳаракатга эга бўлган матнлар юзага келади. Ёки умуминсоний қадриятлар кенг ва чуқур томир отади, инсоният тараққиётнинг янги поғоналаридан дадил юксалиб боради. Таржима орқали халқлар ўртасида яхши ният, ақл-идрок, тинчлик, ўзаро тушуниш устувор бўлади. Таржимонлик дунёдаги илк касблардан ҳисобланади.

Шундай буюк ва эзгу ишларга дахлдор бўлган ижод аҳли — таржимонларнинг бу борадаги роли, ўрни, аҳамияти беқиёс, албатта. Аввало, таржимон олижаноб ниятли шахс, у узоқни яқин қилади, нотанишларни танишга, танишларни эса қадрдонларга айлантиради.

Таржимон касби ва меҳнати жаҳон маданиятлари тараққиётида, мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишида, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини ўрнатишда алоҳида ўрин тутади.

Шунинг баробарида таржимон — ижодкор шахс, тилларарО ва маданиятлараро ижодкор воситачидир. Чунки у ҳам янги матн яратади, сўзларни бадиий руҳда ифода этади, ижод жараёнида баён санъати ва маҳоратини қўллайди. Бошқача айтганда, таржимон фаолияти ижодий маҳорат ва санъат билан узвий туташади. Шунинг учун таржима назарияси, таржимашунослик аввало таржимон маҳорати, унинг сўз танлаш, жумла қуриш санъати қирралари, услубларини аниқлайди, текширади, тадқиқ этади.

Таниқли адабиётшунос олим, ҳассос публицист, моҳир таржимон ва педагог Иброҳим Ғафуровнинг «Таржимонлик мутахассислигига кириш» номли китобида айни шу мавзуда сўз боради. Ушбу асар мамлакатимиз олий ўқув юртларининг таржимонлик факультетлари талабаларига мўлжаллаб ўқув қўлланма тарзида яратилган.

Китобда бир-биридан муҳим мавзулар алоҳида боблар ва бўлимларда муайян изчиллик ва тизимлилик билан ёритилади, мавзуларнинг кетма-кетлиги ва узвийлиги таъминланган бўлиб, бир мавзу иккинчисини мантиқан давом эттиради, тўлдиради ва такомиллаштиради. Ўқув қўлланмада ҳозирги адабиётшунослик фани ютуқлари, олимларнинг, атоқли таржимонларнинг фикр-мулоҳазалари ўз аксини топгани диққатга сазовордир.

Инсоният тараққиёт йўлининг ва ривожланиш жараёнларининг марказида таржимонлар туради, десак, муболаға бўлмайди. Таржимон, таъбир жоиз бўлса, элчининг ёнидаги элчи, дипломатнинг ёнидаги дипломат, сиёсатчининг ёнидаги сиёсатчи, адибнинг ёнидаги адибдир. Муаллиф китобнинг «Таржимон роли» деб номланган биринчи бобида (5-16-бетлар) шу ҳақда фикр юритиш асносида, таржимон мутахассислиги, таржимон тушунчасига ҳар томонлама теран таърифлар беради.

И.Ғафуровнинг асосли фикрича, «таржиманинг сифати» «таржимон маданиятининг даражаси»га боғлиқ. Таржимон маданияти, ўз навбатида қуйидаги бешта хусусиятдан: 1)тил борасидаги билимнинг кенглиги; 2) тилнинг софлиги; 3) интеллект (фикр) теранлиги ва кенглиги; 4) талқин (интерпретация) ҳаққонияти ва фаросати; 5) аслиятга холислик ва муҳаббатдан ҳосил бўлади (7-бет).

Муаллиф буюк сўз санъаткори Алишер Навоийнинг ўз устози Абдураҳмон Жомий қаламига мансуб «Нафаҳот ул-унс мин ҳазротулқудс» асарини «таржима қила олармиканман, деб йигирма йил ўйланиб» таржима қилиши, шунингдек, ҳазрат Алига нисбат бериладиган «Наср ул-лаолий» ҳикматлар китобини таржима жараёнида «Назм ул-жавоҳир» деган ном билан оригинал услубли асар сифатида қайта яратиши жараёнларини илмий-адабий жиҳатдан теран таҳлил ва талқин этади (9-13-бетлар).

И.Ғафуров Қутб Хоразмий томонидан Низомий Ганжавийнинг «Хисрав ва Ширин» достонининг ўзбекчалаштирилиши, Абу Райҳон Беруний томонидан ҳинд фалсафасининг машҳур «Санкҳия» ҳамда «Патанжала» асарларининг араб тилига, улуғ шоир Сайфи Саройи томонидан буюк форс шоири Саъдийнинг «Гулистон» асарининг туркий тилга таржима қилиниши каби кўплаб мисолларда «таржима концепцияси ва стратегияси» хусусида атрофлича тўхталади (15-16-бетлар).

Шу тариқа узоқ тарихимизнинг XX асригача бўлган даврда мумтоз бадиий таржима анъаналарини давом эттирган Муҳаммад Али бин Дарвеш Али, Диловархўжа, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хомуший, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий каби мумтоз адабиётимизнинг таниқли ва истеъдодли намояндалари ижоди тўғрисида билдирилган илмий хулосалар, чуқур таҳлил ва талқинлар ҳам китобхон билимини оширади, ҳам унинг қалбида чексиз фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Таржиманинг нечта ва қандай турлари бор? Таржима, таржимон ва таржимашунослик ҳақида сўз борар экан, албатта, шундай саволнинг туғилиши ва унга асосли жавоб изланиши табиийдир. Ўқув қўлланмасининг «Таржимон маҳорати» деб номланган иккинчи бобида таржиманинг 10 та тури, яъни адекват таржима, эркин таржима, эркин-ижодий таржима, сўзма-сўз таржима, маънолар таржимаси, оғзаки синхрон таржима, синхрон таржима, техник (машина орқали) таржима, аслиятдан таржима, воситали таржима хусусида қисқа, аниқ ва асосли таъриф ҳамда тушунча берилган (17-23-бетлар).

Ушбу бобда, шунингдек, таржима санъати ва таржимонлик маҳорати, аслиятга яқинлик, таржимада аниқлаштириш ва ноёб сўзларни қўллаш, мақоллар, маталлар, образли иборалар таржимасида мослик, таржимада тасаввур ва фантазия каби мавзулар доирасида — XX аср адабий жараёнлари, хусусан, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Миркарим Осим, Мақсуд Шайхзода каби забардаст ижодкорларнинг таржима амалиёти негизида фикр юритилади (24-56-бетлар).

И.Ғафуров, хусусан, таржимада индивидуаллик мавзуида баҳс очар экан, таржима қилувчи — шоир, адиб, таржимоннинг ижодий индивидуал хислатлари, хусусиятлари у таржима қилаётган асар матнига ҳам ўтишини таъкидлайди. Таржима матнининг ширадорлиги, жозибаси, худди оригинал (аслият) каби ўқилиши мана шу ижодий индивидуалликка боғлиқ эканини машҳур рус шоири Сергей Есенин шеърларининг севимли шоиримиз Эркин Воҳидов таржималари мисолида исботлаб беради (43-44-бетлар).

«Таржимон услуби» номли боб таржима, жумла, талқин, тавсиф ва таржима диалектикаси каби масалалар таҳлилига бағишланган бўлса, «Таржимон фаолияти» деган охирги бобда таржима психологияси, таржима соҳасидаги ижодий ҳамкорлик, Ўзбекистонда таржимашунослик тарихи, бугуни ва истиқболлари хусусида сўз юритилади.

Қайси боб, қайси бўлимдан жой олган бўлмасин, бир-биридан қизиқарли мавзулар ҳақида фикр-мунозара юритар экан, муаллифнинг позицияси қатъий ва аниқ: «Талантсиз ҳеч бир ижод бўлмаганидек, талантсиз таржимон ҳам юзага чиқмайди», дейди у.

Қолаверса, ҳаёт ҳақидаги билимларнинг чалалиги ва жўнлиги, аслият асари ва уни яратган адибнинг таржимаи ҳоли, ижодиёти, бадиий услуби, ижодий-ҳаётий қарашларини тугал ўрганмаслик ва билмаслик аслият асари атрофидаги фикр-мулоҳазалар, баҳолардан бехабарлик, шубҳасизки, таржиманинг умумий бадиий сифат даражасига катта салбий таъсир этади. И.Ғафуров бу фикрнинг тасдиғини «Ҳамлет», «Фауст», «Борис Годунов», «Уруш ва тинчлик», «Ревизор», «Олтин бузоқ», «Уйланиш» каби жаҳон адабиёти дурдона асарларининг таржималари мисолида исботлаб беради (43-44-бетлар).

Муаллиф ана шу асарларнинг атоқли таржимонлари ижод лабораториясини чуқур ўрганар экан, улар эришган беназир ютуқларни китобхонга қандай фахр-ифтихор билан кўз-кўз қилса, йўл қўйилган хато-камчиликларни ҳам очиқ ва ҳаққоний таниқид тиғига олади. Зеро, И.Ғафуровнинг мақсади холис — у ўз китобхонининг таржимачилик соҳасида мавжуд тажрибани хар томонлама пухта ўрганишини, буюк ижодкор-таржимонларнинг ютуқлари қатори нуқсонларидан ҳам сабоқ олишини истайди.

Маълумки, Иброҳим ака Ф.Достоевский, Э.По, Э.Хемингуэй, Г.Г.Маркес, Ницше, Ч.Айтматов, Ж.Жойс каби жаҳон адабиёти намояндаларининг дурдона асарларини ўзбек китобхонига етказиш йўлида узоқ йиллар давомида таржимонлик машаққатини чеккан ижодкор ва олим. Шу маънода унинг қаламига мансуб ушбу ўқув қўлланмаси иқтидорли таржимон ўз билим ва тажрибаси чегараларини таржима амалиётидан таржима назариясига, назариядан эса таржима ва таржимонлик педагогикаси томон нечоғли муваффақият билан кенгайтирганини яққол кўрсатиб турибди.

Халқимизнинг жонкуяр ва нуктадон зиёлиси Иброҳим Ғафуровни янги китоби билан қутлар эканмиз, ушбу ўқув қўлланмаси жуда кам, бор-йўғи 500 нусхада чоп этилганидан таассуфда эканимизни ҳам яширимаймиз. Ваҳоланки, «Таржимонлик мутахассислигига кириш» китоби наинки бўлғуси таржимонлар, филологлар, журналистлар, айни чоғда, барча зиёлиларимиз, кенг жамоатчилик эътиборига дадил ҳавола этиш учун муносиб қўлланмадир.

Акмал САИДОВ,
профессор.

Ҳамид НОРҚУЛ

ШЕЪРИЯТ

Юрак — қанот қоқаётган куй

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон — жаранглаган Сўз,
Томиримда садо беради.
Ўтаётган лаҳзаларимни
Мангуликка боғлаб боради.

Севмоқ учун ўзга юрт кўриб,
Хулосалар қилиш шарт эмас.
Саксон йилдан ўтиб бормоқда,
Отам ҳамон кўнглини узмас.

Ватан учун кўкрагимда жой,
Юрак — қанот қоқаётган куй.
Виждонингни уйғотар аввал,
Остонадан кузатган бу уй.

Тупроғингга илдизлар отган,
Бир дарахтдай шовуллар кўзим.
Дийдорларинг бунча ҳам тансиқ,
Қучоғингда гуллайди изим.

Ёнаётган умрим бағишлаб,
Қуёш каби отиб ботаман.
Буюрган кун қиблага қараб,
Тупроғингни кучиб ётаман...

АЙЛАНА

Ер айлана эканлиги рост,
Айланишиб юрибмиз бугун.
Ҳар биримиз гўёки тоғдай,
Шу беш кунлик дунёга устун.

Рўзғор деган жой ҳам айлана,
Айланадир бориш-келиш ҳам.
Томирингда қон ҳам айланар,
Айланадир келиш-кетиш ҳам.

Даври-даврон келгани чоғда,
Айланамиз шодликлар томон.
Бошга ташвиш тушган заҳоти,
Айланада ўралишар жон.

Ер айланар, дунё айланар,
Гўё пайтни пойлаб турибмиз.
Айлананинг сирини топмай,
Орқасидан чопиб юрибмиз...

УФҚДАГИ ҚУЁШ

Куртаклар бағрида шивирлаб шамол,
Ҳарорат ёнидан кетолмай қолди.
Ўпкаси тўлган оқ булутлар йўлни
Қирдаги бойчечак томонга солди.

Ялпизлар ариқни ёқалаб борар,
Қоқигул қаймоққа тўкар гулини.
Сўқмоқдан бошини кўтариб майса,
Ёмғирга узатар жажжи қўлини.

Қирларда лолалар, қизғалдоқ қувиб,
Мусаввир баҳорнинг қадами тинмас.
Энди қуёш чиқмас кунлар бўлмайди,
Энди юлдузларсиз тунлар ҳам тунмас.

Даланинг бошида кетмон суянган
Деҳқоннинг кўзида соғинч ёнади.
Шунчалар тозариб кетган осмоннинг
Уфқида қуёшнинг лаби қонади...

ТУЛПОР

Тушов солаверар оёқларига
Қон оққан товони яра боғлайди.
Шунчалик қаҳрига заҳар қўшилган,
Душман ўз-ўзининг
кўнглин чоғлайди.

Оёғи боғлиқ от боғловда қолмас,
Туёғи тагида
олов ёқади...
Юз душман ичидан чиқар югурдак,
Юз марднинг тўпидан
тулпор чиқади.

* * *

Ният ҳам ҳар бир дилга оромбахш куйдир,
Бир-биринг соғинсанг, шу ҳам бир тўйдир,
Болали уйларинг бозорли уйдир,
Ўзингдан кўпайиб,
омон бўл, Элим!

Яхшинг кўп, яхшингга елкадош бўлгин,
Ой каби тўлишиб, бахтларга тўлгин,
Ҳамиша олгин-у, олдирма лекин,
Ўзингдан кўпайиб,
омон бўл, Элим!

Интилиш — яшашнинг оловин ёқмоқ,
Кўкрагинг тоғ бўлсин, қадамнинг чақмоқ,
Чулдираб-чулдираб оқмоқда ирмоқ...
Ўзингдан кўпайиб,
омон бўл, Элим!

Қаноатдир қалбимнинг сози

Усмон БЕК

СИЗГА ЁҚСА...

Жигаримдек яқин жолалар,
Кўзларимдан унсиз оқади.
Жону дилим сокин болалар,
Сизга шумроқлари ёқади.

Сабр мендан минг бора рози,
Қаноатдир қалбимнинг сози,
Ози яхши, яхшидир ози,
Сизга кўпроқлари ёқади.

"Дунёда кўп ишлар нафратли",
Дер эдилар бобом раҳматли.
Шунданмикан шеърим ҳасратли,
Сизга қувноқлари ёқади.

Ҳар кимнинг ҳам бўлсин Ватани,
Юрти унинг номуси, шаъни,
Сизга ёқса бойлик, маъдани,
Менга тупроқлари ёқади.

БУЛБУЛ ВА ШОИР

Мен шоир дилимни сақлай олмадим,
Қотиб қолаверди яхдай омадим.

Қушдек қочолмадим мен овчилардан,
Йўлимда йўлиққан йўловчилардан.

Булбул менга берди чаҳ-чаҳлаб дакки,
Саъва айтди: чакки қилдинг-да, чакки.

Йўқотган ҳисларим зоғларга ёқди,
Буни кўриб булбул яна тутоқди.

Дедим: дунёда бор зидлик, ғайирлик,
Менга на чикора, айт-чи, шоирлик?!

Булбул деди: митти қалбимга қара,
Йўқми унда чандиқ ёхуд бир яра.

Барини бирма-бир куйга солганман
Ишқ китобин очиб булбул бўлганман.

ТОҒЛАР

Сувга тўлди булутлар кўкси,
Қақраган лаб борми ичишга?
Ким ичмоқчи, пойига чўксин,
Бу шаддод сув сиғмас идишга.

Қизил, қўнғир, кулранг, мовий тус,
Мунча турфа бўлмаса тоғлар.
Кипригимдан чилвирлар тўқиб,
Мени ўзга тобора боғлар.

Қани кетиб кўр-чи, эй юрак,
Қўярмикан, сени мовийлик.

Гўзалликдан нигоҳни бурмоқ,
Энг зўр гуноҳ, энг зўр осийлик!

ҚАЧОН?

Гуноҳлар етарли, айблар ортиқча,
Ўзни фаришатага ўхшатамиз биз.
Кел кўнгил, маслаҳат қилайлик пича,
Қачон ўзимизни кўрсатамиз биз?

Ғунча ҳам очилгач назарга тушди,
Қушча қанот ёзгач осмонга учди,
Бор алам бизларнинг ёшимиз ичди,
Қачон ўзимизни кўрсатамиз биз?

Қуёш кўкда порлар, оламга аён,
Ой зулмат кечада элга намоён,
Нега қодирликни айлабон баён,
Қачон ўзимизни кўрсатамиз биз?

Бизда Оллоҳ берган нигоҳ бор, кўз бор,
Оламни яратган сеҳрли сўз бор,
Токи Парвардигор бизга мададкор,
Қачон ўзимизни кўрсатамиз биз?

Ҳей, юлдузлар...

(Тошкентнинг 2200 йиллигига)

1

Ассалом, эй, кўкда шодон кулган юлдузлар,
Пойтахтимга жилва қилиб турган юлдузлар.
Тунги Тошкент кўчаларин сирли безаги
Чироқлар-ла гўё суҳбат қурган юлдузлар.

Кутарсиз онамдай бедор оқ саҳарларни,
Кузатгансиз тарих қилган бор сафарларни.
Не замондир томошалар қиласиз мудом,
Кимдир бузар, кимдир қурар эўр шаҳарларни.

Яқин уч минг йил шерикдир Тошли қўрғонга,
Асли беш минг йил дердим-ай мендан сўрганга.
Балки сенсан Одам ато яшаган замин,
Ҳувв, ану тош миноралар ўхшар кўрганга.

... Йиллар ўтди, бу давронга кимлар етмади,
Мозий гувоҳ пешонанга нелар битмади.
Не хонларни тарих чангдек кетди сидириб,
Тошкент деган шаҳаримнинг шони кетмади.

2

Соҳибқирон бобом турар хиёбон узра,
От жиловин қўлларида туттанча маҳкам.
Хаёлидан нима кечар билмадим, аммо
Шундай бобом борлигидан кўнглим хотиржам.

Кўксим тўла фахр билан ҳайкал қошида
Ўйлар сурдим, Амир Темур номи бардавом.
Буюк тарихим бор, ҳур эрур келажагим,
Аждодларим руҳларингиз шод бўлгай мудом.

Сўлим бир боғ аро ҳазрат Навоий турар,
Кўзларида порлаётир маърифат нури.
Неча замон ўтса ҳамки сўзлари мангу,
Олам лолдир тўкилмайди оҳори, қўри.

Жилоланиб турар унинг ҳар битта сатри,
Юлолмайди бедардларнинг дайди шамоли.
Адабиёт бўлаётир беминнат устоз,
Англадимки, ҳар бир сўзи оҳанраболи.

3

Кўкдан жимир-жимир боқиб турган юлдузлар,
Тошкентимга меҳмон бўлиб бир келингизлар.
Дўстлик шаҳри, нон шаҳри бу, меҳмондўст халқи,
Шу юрт тузин тотиб улғаймоқдамиз бизлар.

Ватанимиз эртасининг эгаларимиз,
Пешонаси ярақлаган зукко, бахтиёр.
Қадим Тошкент фарзандлари баркамол бўлгай,
Кўксимиз тоғ, жаннатмонанд диёримиз бор.

Ҳей юлдузлар, меҳмон бўлиб бир келингизлар!..

Мафтунабону ҚОДИРОВА,
Тошкент шаҳар
Чилонзор туманидаги
195-умумтаълим мактабининг
6-"В" синф ўқувчиси.

"АГРОБАНК" фаровонлик ва тараққиётга хизмат қилади

(Бошланиши 5-бетда.)

Талабалар, ёш оилалар учун ҳам пластик карточка чиқарилиб, маълум имтиёзлар жорий қилинди. Пластик карточкалар орқали бўладиган операциялар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Агробанк» ОАТБ учун махсус DUET Exchange дастурий таъминоти тайёрланиб, филиалларга тўлиқ ўрнатилди. Ушбу дастурни ўрнатиш орқали DUET дастуридаги барча операцияларни NCI дастурига автоматик тарзда инсон иштирокисиз берилиши йўлга қўйилди.

Ўтган йилда "Агробанк" ОАТБ "VISA International" халқаро тўлов тизимининг доимий аъзоси сифатида қабул қилинди ва 3 турдаги (Classic, Electron, Gold) 4500 та пластик карточкалар ишлаб чиқилди ҳамда эмиссия қилишга тайёрланди.

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

Республикамиз Марказий банки томонидан инвестиция муҳитини янада яхшилаш, жаҳонда юз бераётган молиявий инқирознинг юртимиз иқтисодиётига салбий таъсирининг олдини олиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, ташқи қарзларни ўз вақтида сўндириш ва халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китобларни такомиллаштиришга йўналтирилган самарали валюта сиёсатини амалга ошириш давом эттирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида 2008 йилдан эътиборан банк амалиётида биринчи марта Европанинг ягона валютаси — евро бўйича савдоларни амалга ошириш бошланди.

Биржа операциялари ҳажми 254,2 миллион АҚШ долларини ташкил қилди, шу жумладан 17,9 миллион АҚШ доллари миқдорида хорижий валюталарнинг сотуви амалга оширилди. Валюта биржасида 224,9 миллион АҚШ доллари миқдорида конвертация операциялари бажарилди. "Агробанк" ОАТБнинг халқаро операциялари Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлардаги жами 22 вакиллик ҳисоб рақамлари орқали амалга оширилди. Молиявий муассасанинг вакиллик муносабатлари тармоғи охирги йилларда ўзининг барқарорлигини сақлаб келмоқда ва мижозларнинг халқаро операцияларини ҳажм ҳамда географик жиҳатдан амалга ошириш бўйича етарли ҳисобланади. Банкнинг хорижий валюталардаги операциялари бўйича ялпи даромади ўтган йилга нисбатан 47 фоизга ошди ва 10 миллиард 860 млн.сўмни ташкил қилди.

Ташқи савдо операциялари таркибида импорт операцияларининг ўсиш тенденцияси ҳам сақлаб қолинди. Мамлакатга импорт қилинаётган товарлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун Республика валюта биржасида мижозларнинг аризаларига кўра 224,9 миллион АҚШ доллари миқдорида конвертация операциялари амалга оширилди. Бу кўрсаткич 2007 йилдагига нисбатан 36,4 миллион АҚШ долларига кўпдир. Ўтган йиллардаги каби банк мижозлари томонидан ишлаб чиқарилган экспорт маҳсулотларининг асосий қисмини пахта толаси, тўқимачилик маҳсулотлари, цемент, қишлоқ хўжалик техникаси, қадоқланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташкил қилади. Экспортнинг умумий ҳажми 50,78 миллион, шу жумладан пахта толаси экспорти 11 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Хорижга жўнатилган маҳсулотлар 15 давлатга, асосан Россия Федерацияси, МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари, АҚШ ҳамда Ғарбий Европа мамлакатларига тўғри келди.

Чакана банк хизматларини кенгайтириш мақсадида мавжуд Western Union ва Coinstar халқаро пул ўтказиш тизимлари билан бир қаторда "Contact" ҳамда "Лидер" каби янги пул ўтказиш тизимлари жорий этилди. Мазкур тизим шохобчалари тармоғи кенгайтирилди. Ўтган йил охирига келиб республикамизнинг 5 та вилоятида 30 шохобча ташкил этилди. Пул ўтказмаларининг умумий ҳажми 801 минг АҚШ долларига етди.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА ЯНГИЛИК

Банк томонидан эълон қилинган 100 миллиард сўмлик устав капиталини тўлиқ шакллантириш бўйича ўтган йил давомида жами 11,1 миллиард сўмлик акциялар, шу жумладан унинг 10,4 миллиард сўмлиги "Тошкент" республика Фонд биржасида жойлаштирилди. Молиявий муассаса устав капитали 50 миллиард сўмга етказилди ҳамда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 128,5 фоизга ўсди.

Мамлакатимиз Президентининг акциядорлик тижорат "Пахтабанк" ва "Ғаллабанк"ларнинг инвестицион фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида эълон қилинган акциялар доирасида 50 миллиард сўмлик қўшимча акцияларнинг 14-эмиссиясининг муомалага чиқарилиши ҳамда "Қимматли қоғозларнинг қўшимча чиқарилуви тўғрисида"ги қарор давлат рўйхатидан ўтказилди.

Бугунги кунда банк акциядорлари сони 82,7 минг кишини ташкил этди. Улардан 63,9 мингтаси юридик ҳамда 18,8 мингтаси жисмоний шахслар ва хусусий тадбиркорлардан иборат. Банк акциялари «Тошкент» республика Фонд биржасининг «А» тоифадаги расмий листингига киритилган. Молиявий муассаса акциялари юқори ликвидли акциялар экани ҳам жамоанинг энг ишончли ва барқарор акциядорлик жамияти эканидан далолат беради. Акцияларнинг сотилиши республикада биринчи ўринда бўлиб, биржада рўйхатга олинган битимларнинг асосий улушидан 14,2 фоизи ёки 14,6 миллиард сўми "Агробанк" ОАТБ акциялари билан тузилган битимларни ташкил қилди.

Банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш учун муомалага чиқарилган 2 миллиард сўмлик депозит ҳамда 500 миллион сўмлик омонат сертификатлар йил давомида тўлиқ жойлаштирилди. Депозит ва омонат сертификатларнинг муомалага чиқарилиши бўйича режалаштирилган ишлар ҳам фаол давом эттирилди. Жумладан, банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини кенгайтириш мақсадида юридик шахсларга муддати 18 ва 36 ойлик, жами 2,5 миллиард сўмлик депозит ҳамда жисмоний шахслар учун 12 ойлик жами 500 миллион сўмлик омонат сертификатлар муомалага чиқарилди. Жами қимматли қоғозлар инвестиция портфели 7 миллиард 237 миллион сўмни ёки банк активларининг 0,5 фоизини ташкил қилиб, қимматли қоғозлардан 1 миллиард 446 миллион сўм даромад олинган.

Қимматли қоғозлар бозорида банкнинг шўъба корхонаси "РАХТА-SERVIS" депозитарийси орқали депозитар ва қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказиш хизматлари кўрсатилди. "РАХТА-SERVIS" депозитарийсида 55 та эмитентнинг 27,6 миллиард сўмлик қимматли қоғозлари сақланмоқда. Ўтган йили мижозлар ҳамда акциядорларга янги хизмат турлари таклиф қилиш орқали банк даромадини кўпайтириш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, қимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича буюртмаларни қабул қилиш шохобчаларини очиш орқали биржадан ташқари ташкиллаштирилган электрон савдо тизимини кенгайтириш мақсадида ҳудудий бўлинмаларда «Элсис-Савдо» ёпиқ акциядорлик жамиятининг қимматли қоғозлар олди-сотдиси бўйича 14 та буюртмаларни қабул қилиш шохобчалари очилди. Банкда қимматли қоғозлар савдоси бўйича хизмат кўрсатиш тизимининг жорий қилиниши қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини янада такомиллаштириш, айниқса, кичик ва ўрта пакетларга эга акциядорларга қулай шарт-шароит яратилиши билан бирга банк учун янги хизмат кўрсатиш тури ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг "Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, шохобчаларда операцияларни қимматли қоғозлар билан амалга оширувчи малакали мутахассисларни малака сертификати билан таъминлаш учун ўқиш ташкил қилинди. Бош офис ва вилоят бошқармалари қимматли қоғозлар бўлимларининг 11 ходими қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг малака аттестатига эга бўлди.

АҲОЛИГА ЯНАДА ҚУЛАЙЛИК

"Агробанк" ОАТБ тизимининг Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 та вилоят бошқармаси, 186 та шаҳар-туман филиали ҳамда 712 та банк шохобчаси (мини банклар)дан, 162 та махсус ҳамда 17 та кўчма кассалардан таркиб топгани молиявий муассасанинг кенг кўламда фаолият юритиши учун қулай имконият яратади.

Бугунги кунда филиаллар таркибида ташкил этилган банк шохобчалари (мини банклар) томонидан мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда хизмат сифатини ошириш, молиявий муассасанинг тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун барча турдаги хизматларни кўрсатиш, аҳолининг коммунал хизматлари учун тўловларини қабул қилиш, фуқароларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш учун барча имкониятлар мавжуд.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

Молия муассасасининг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида Марказий банк ва "Intelligent Solution" компанияси ҳамкорлигида Интеграллашган Ахборот-Таҳлилий Тизимини (ИАТТ) янада такомиллаштириш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда. Банкнинг барча 186 та ҳудудий тузилмалари ягона баланс базаси билан электрон тўловлар тизимида барқарор фаолият кўрсатмоқда. Бош офис ва вилоят бошқармаларининг таҳлилий тузилмаларида амалга оширилаётган операциялар юзасидан мониторингни реал вақт режимида ташкил этиш имконияти яратилган. Бу имконият молиявий муассаса раҳбариятига "Агробанк" тизимида бўлаётган воқеалардан доимо хабардор бўлиб туриш, вазиятни таҳлил қилиш ва фаолиятни мижозларга ўз вақтида молиявий хизматлар кўрсатишга йўналтириш, бу билан иқтисодиётнинг аграр ҳамда реал секторини янада ислоҳ қилиш, шунингдек, фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича вазифаларни тезкор ҳал этиш имконини берди.

Ахборот технологиялари маркази фаолиятининг асосий йўналиши яқин истиқболда ҳал қилинадиган вазифалар билан бир қаторда автоматлаштирилган бошқариш тизимини яратиш ва ахборот-телекоммуникация инфратузилмасини жорий этиш вазифаси ҳисобланади.

Мазкур чоралар молиявий муассаса нуфузини, мижозлар ўртасида унинг жозибадорлигини, банк раҳбарияти томонидан таҳлиллар ва бошқарув қарорлари қабул қилинишининг тезкорлигини янада оширишга йўналтирилади.

Яқинда "Агробанк" акциядорларининг ўтган йил якунларига бағишланган умумий ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан қишлоқ хўжалигини тараққий топтиришда етакчи ўрин тутган ушбу молия муассасасининг 2008 йилдаги даромадлари сарҳисоб қилиниб, стратегик ривожланиш дастурлари ва банк бюджети режаларининг қай даражада бажарилганлиги атрофлича муҳокама этилди.

Шу билан бирга молиявий муассаса томонидан модернизациялашга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни кредитлаш, муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган корхоналарни айланма маблағлар билан тўлдириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган лойиҳаларни молиялаштириш орқали қишлоқ жойларда аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таминлаш мақсадида янги иш ўринлари ташкил этиш борасида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар хусусида атрофлича сўз юритилди. Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари томонидан республикамиз Президентининг қарорига асосан "Агробанк" акциядорлик тижорат банкига айлантирилган мазкур молия муассасаси уставининг янги таҳрири бир овоздан маъқулланди.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири. ®

РИВОЯТ

Бир қишлоқ тарихи

1090 йилларнинг охирларида Хожаи жаҳон Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг падари бузруквори Абдужамил Румий карвон билан Бухорои Шарифга йўл олади. Рум подшоҳлари авлодига мансуб бўлган улуғ зот бу ерда қўним топиб, макон тутади. 1103 йилда Абдуҳолиқ Ғиждувоний дунёга келади.

Нақл қилишларича, ҳажни ният қилиб, узоқ юртдан йўлга чиққан бир гуруҳ дарвешлар ўз шайхлари ҳамроҳлигида Ғиждувонга келиб, ҳазрат Абдуҳолиқнинг меҳмони бўлибдилар. Ҳазратнинг кичкина ҳужрасига ҳамма сиғибди, дўппидеккина қозондаги овқат барчага етиб ортибди. Мезбоннинг суҳбатлари дарвешларга манзур бўлиб, ҳатто сафарни ҳам унутишибди. Улар орасидаги шайх йўлга чиқиш кераклигини эслатганида, Абдуҳолиқ Ғиждувоний "Каъбага бораман деб риёзат чекманг. Марҳабо, мана бу нарвонга кўтарилинг! Каъбатуллони кўрасиз ва шу ернинг ўзидан уни зиёрат этгайсиз", дебди.

Дарвешлар қирқ зинали нарвонга чиқиб, Каъбатуллони кўрибдилар. Шунда шайх: "Бизда ҳам каромат бор!", — деб Ғиждувон қалъаси устига чиқиб, "чуҳ" дейиши билан қалъа бутун Ғиждувонни ҳаракатга келтириб, судрай бошлабди. "Мен сизларни бутун шаҳрингиз билан Каъбатуллога элтаман", — деб мақтанибди шайх. Шунда ҳазрат Абдуҳолиқ Ғиждувоний ўз муридларидан бирига қараб: "Қалъага Лангар отинг" деб буюрибди. Лангар отилгандан сўнг, қалъа узилиб, шаҳар таққа тўхтаб қолибди.

Лангар отилган жой ҳозир Узилди қишлоғи деб аталади. Лангар отган мурид эса, кейинчалик Хожа Лангар Ато номи билан машҳур бўлган экан.

Камолиддин МИРЗААҲМЕДОВ,
фахрий журналист.

ҲА-ЁТ

Одамгарчилик пул билан ўлчанадими?

Қўлимда унча оғир бўлмаган юк халтаси билан бозордан қайтаётган эдим. Ёши каттароқ амаки ёнимга келиб, менга ёрдамлашмоқчи эканини айтди. Уни овора қилгим келмаётганини айтсамда амаки қўярда-қўймай юкларимни олди. Ўз қизидай билиб раҳми келди, шекилли деб ўйладим ичимда. Хижолат чекаётганимни сезган амаки бунга ҳеч ҳожат йўқлигини қайта-қайта уқтирди. У йўл давомида қаерда ишлашим, оилам ҳақида суриштира бошлади. Йўл ярмида у ёғига ўзим кетишимни айтдим ва юкларимни қўлидан олдим-да "Раҳмат, амаки. Қизингизга ҳам талаба бўлиш насиб қилсин" дедим. Боиси у қизининг икки йилдан бери университетга киролмаётганини айтганди. Қизиғи шундан кейин бўлди. "Беминнат кўмакчи" амаки раҳматимни осонгина қабул қилди-ю, "Беш юз сўм етади" деди. Ҳазиллашаяпти шекилли деб унга бир зум қараб қолдим.

— Қизим, кечирасиз, энди бу ёғи тирикчилик. Шу пулни таксига ҳам берардингиз-ку, а?

Нотаниш киши мен ўйлагандан кўра анча жиддий қиёфада эди. Наилож, сумкамдан пул олиб, унга узатдим. Аммо... алам қилди. Кетган пулимга эмас, пул учун унутилган одамгарчиликка ачиндим. Бир одамнинг қўлидаги оғир юкини кўрганда унга ёрдамлашиш ҳар бир комил инсон учун бурч, мажбурият эканини биламан, аммо бундай ёрдамнинг пулга ҳисоблангани мени ажаблантирди. Наҳот, энди биров ёрдам қўлини чўзса, қандайдир манфаати йўқмикин-а, деб ўйласак?!

Бувижонимнинг бир гапини кўп эслайман: "Ўтмишда қўлида юки бор аёлнинг ёнидан бепарво ўтган эркак киши устидан арз қилиниб, жазосига ўша "жиноятчи" юз дарра урилган. Қолаверса, бева аёл челагини эшигининг орқасига чиқариб қўйса, уни ариқдан тўлдириб келиш шу кўчадан ўтаётган ҳар бир эркакнинг бурчи ҳисобланган".

Аммо... ҳозир-чи? Ахир, инсонийлигимиз пул билан, манфаат билан ўлчанмайди-ку!

Зебо ҚУТЛИЕВА

РАССОМ ХАНДАСИ

Шавкат МУЗАФФАР чизган сурат.

СПОРТ

ФИФА РАҲБАРИНИНГ ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон футбол федерацияси президенти Мираброр Усмонов Швейцарияда ФИФА президенти Йозеф Блаттер билан учрашди.

— Йозеф Блаттер мамлакатимизда футболни ривожлантириш бўйича сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотларга юқори баҳо берди, — дейди Мираброр Усмонов. — Айниқса, ёшлар терма жамоамизнинг Жаҳон чемпионатига йўл олишидан мамнун эканини билдирди ва бош мураббий Аҳмад Убайдуллаевни ФИФА номидан табриклаб қўйишимни сўради.

Маълумотларга қараганда, суҳбат чоғида ФИФАда ЎФФ вакилининг фаолият юритиши борасида ҳам гап очилган. Бугунги кунда Осиё Футбол Конфедерациясида икки нафар ўзбекистонлик мутахассис ишлайди. Аммо ФИФАда вакилларимиз йўқ. Таъкидлаш керак, жорий йилнинг 7-8 май кунлари бўлиб ўтадиган ОФК конгрессида бу масала хусусида фикр алмашиш кутилмоқда.

АНГЛИЯДА ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИ



«Манчестер Юнайтед» жамоаси ярим ҳимоячиси Райан Гиггз Британия футболчилари касаба уюшмаси томонидан Англия чемпионатининг энг яхши ўйинчиси деб топилди. Тажрибали футболчи туманли Альбионда ўн саккиз йилдан буён тўп тепса-да, биринчи бор мазкур мукофотни қўлга киритди. Ўттиз беш ёшли Райан Гиггз берилган овозлар натижасига кўра, жамоадошлари Неманья Видич, Криштиано Роналду, Рио Фердинанд, Эдвин ван дер Сар ва «Ливерпуль» жамоаси сардори Стивен Жеррардларни ортда қолдиришга эришган.

«Астон Вилла» жамоаси вакили Эшли Янг эса Англия чемпионатининг энг ёш футболчиси деб эътироф этилган.

КЕТМА-КЕТ БЕШИНЧИ ҒАЛАБА

Таниқли спортчи Рафаэл Надал кетма-кет бешинчи марта Барселонада ўтказилган АТР теннис турнирида ғолиб бўлди. У мусобақанинг финалида ҳамюрти Давид Феррер билан баҳс олиб борган. Ушбу ғалаба теннисчининг жорий йилдаги тўртинчи, фаолияти давомидаги эса ўттиз бешинчи зафари ҳисобланади.

Эслатиб ўтамиз, ушбу нуфузли турнирнинг мукофот жамғармаси 1 миллион 995 минг еврони ташкил этади.

БОКС МУСОБАҚАЛАРИДА

Германиянинг Крефельд шаҳрида бир нечта бокс учрашувлари ўтказилди. Уларнинг бирида ўрта оғир вазнда WBA йўналиши чемпиони Феликс Штурм йигирма саккиз ёшли япониялик даъвогар Кодзи Сатога қарши рингга чиқди. Беллашувнинг дастлабки раундлариданоқ амалдаги чемпион катта устунликка эга бўлиб, япониялик боксчини оғир аҳволга солиб қўйди. Муштлашувнинг еттинчи раундида эса Кодзи Сатонинг ўнг кўзига "яхшигина" зарба берилди. Оқибатда унинг секундантлари рингга оқ рўмолни улоқтиришга мажбур бўлди. Шу тариқа, рақибини техник нокаутга учратган Феликс Штурм олтинчи марта ўз камарини мувафаққиятли ҳимоя қилди.

Яна бир учрашувда қозоғистонлик Геннадий Головкин ва америкалик Энтони Гриниж ўзаро куч синашди. Мутахассислар таъкидлаганидек, Геннадий Головкин жангни катта устунликда бошлади. Натижада биринчи раунддаёқ у рақибини икки марта рингга қулатишга эришди. Аммо ҳамасига узил-кесил нуқта бешинчи раундда қўйилди.

Бошқа бир учрашувда эса WBO чемпиони венгриялик Кароли Балзаи камарини биринчи марта ҳимоя қилди. У Янги Зеландия вакили қирқ икки ёшли собиқ чемпион Маселино Масоэни нокаутга учратди.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

HURRIYAT
Ўзбекистон овозидаги мустақил газета
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Навоий — 8-436-374-63-11
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Элбек ЖУМАНОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.50

® — тижорат белгиси.

Адади: 14050 Буюртма — Г-354 2345678